ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

*Алишер*
*НАВОИЙ*

# ИШҚ ТИЛСИМИ



*ЖАҲОН ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ*

*Алишер*
*НАВОИЙ*

# *ИШҚ ТИЛСИМИ*

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
1083(
252

ТОШКЕНТ – «O'ZBEKISTON» – 2011

УДК: 821. 512. 133-1
ББК 84 (5Ў1)
Н 14

Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи:

*Эргаш ОЧИЛОВ,*
филология фанлари номзоди

**Навоий, Алишер.**
Н 14 Ишқ тилсими / Алишер Навоий; тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. — Т.: O‘zbekiston, 2011. — 112 б.

ISBN 978-9943-01-753-5

Алишер Навоийнинг бой ва ранг-баранг ижод бўстонидан дасталанган ушбу тўплам улуғ шоирнинг асрлар давомида хушовоз ҳофизлар томонидан севиб ижро этиб келинаётган ва халқимиз кўнглидан чуқур жой олган, теран фалсафий мазмун ва оташин туйғу-кечинмаларга йўғрилган орифона ҳамда ошиқона ғазаллари, нозик ҳаётий кузатишлар маҳсули бўлмиш ҳассос, пурмаъно рубоийлари, ҳароратли ва дилўртар мустазодию мухаммаси, гўзал ва бетакрор таржеъбандлари асосида яратилган қўшиқлар гулдастасини ўз ичига олади. Шу жиҳатдан, у нафақат мумтоз шеърият мухлислари, балки маданият ва санъат аҳлига ҳам муносиб туҳфа бўлади.

**УДК: 821.512.133-1**
**ББК 84 (5Ў)1**

ISBN 978-9943-01-753-5

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2011

## САРАЛАНГАН САТРЛАР

Алишер Навоийнинг бой ва ранг-баранг ижод бўстонидан сараланган, турли мавзу ва жанрдаги асарларидан тузилган кўплаб катта-кичик тўпламлари нашр этилган: уларнинг баъзилари сўз мулки султонининг дилўртар ғазаллари, айримлари пурмаъно қитъа ва рубоийлари, бошқалари теран мазмунли фалсафий ҳамда ҳаётий ҳикматлари, яна баъзилари хилма-хил жанрдаги асарларидан намуналарни ўз ичига олган. Бу мажмуаларнинг ҳар бири шоир мухлисларининг эҳтиёжини у ёки бу даражада қондириши жиҳатидан ўзига хос аҳамиятга эга.

Буюк сўз санъаткорининг ҳассос ва жарангдор, кўнгилга яқин шеърлари асрлар давомида ҳофизлар созига тушиб, севиб ижро этиб келинган. Муайян қўшиқларнинг муқаддимаси — пешравида эса рубоийлари куйланган. Шуни ҳисобга олиб, биз мазкур мажмуани янгича шаклда — улуғ шоирнинг қўшиққа айланиб, ҳар куни эфир орқали тараладиган, тўю тантаналарда айтиладиган ғазал ва рубоийлари, мустазод, мухаммас ҳамда таржеъбандларидан олинган парчалар асосида тузишга қарор қилдик.

Ривоят қилишларича, Аллоҳ таоло инсонни лойдан ясаб, мусиқа ёрдамида унга жон киритган экан. Бинобарин, куй-қўшиққа муҳаббат инсоннинг зуваласига қўшиб қорилган. Шундан санъатни муайян даражада севмайдиган, қўшиққа бефарқ одам йўқ деса бўлади. Қомусий аллома бўлган Навоийнинг ҳам мусиқа илмидан яхшигина хабари бор эди. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Хожа Юсуф Бурҳон ҳақида маълумот берар экан, «фақир мусиқий фанида анинг шогирдимен» деб ёзади[1].

---

[1] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Тошкент, 1997, 51-бет.

Етти-саккиз ёшларидан мусиқа билан шуғулланган[1], ўз даврининг машҳур мусиқашуносидан таҳсил олиб, бу илмни чуқур ўзлаштирган[2] шоирнинг ўзи ҳам бир қатор куйлар яратгани ҳақида Бобур ҳам хабар беради: «Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур»[3]. Абдурауф Фитрат бир қатор манбалардаги маълумотлар асосида «Қари наво» (Аслида «Қари Навоий») куйи Алишер Навоийга тегишли бўлса керак, деган тахминни илгари суради: «Бухоронинг эски мусиқийшунослари орасида бу куйнинг Навоий асари бўлғани сўйланадир»[4].

Алишер Навоий бастакор, хонанда ва созандаларни тарбиялаб етиштиришга ҳам катта ғамхўрлик қилган. «Чунончи, ёшлигида ўзининг мусиқага бўлган қобилиятини кўрсатган устод Қулмуҳаммадни аввал Навоийнинг ўзи тарбиялаб, сўнгра мусиқа ҳақида «Асл ул-усул» деган асар ёзган Мавлоно Алишоҳга шогирд қилиб бериб, уни бу соҳанинг назарияси ва амалиётига мутахассис қилиб чиқарди»[5].

Хожа Абдулло Марварид ҳам унинг ёрдами ва раҳбарлигида мусиқадан яхши таҳсил олиб, моҳир мусиқашунос бўлиб етишади ва мусиқа ҳақида махсус китоб ёзади. У Навоийнинг «Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур» дея бошланадиган машҳур мустазодига «Сармасту яқом чок» номи билан куй басталайди. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ улвақоеъ» асарида маълумот беришича, «бу ашула ўша вақтларда Ҳиротда жуда машҳур бўлган ва у куйланмайдиган бирор уй ва бу ашулани эшитганда ёқасини чок қилмайдиган бирор тингловчи бўлмаган»[6].

Бу қўшиқлар матни Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламидан олинди. Чунки

---

[1] Бу ҳақда қаранг: А б д у л л а е в А. Навоийнинг тўрт устози // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006, 1-сон, 24-бет.

[2] Қаранг: А б д у қ о д и р о в А. Амир Алишер Навоий. Хўжанд, 2003, 42-бет.

[3] З а ҳ и р и д д и н М у ҳ а м м а д Б о б у р. Бобурнома. Тошкент, 2002, 132-бет.

[4] Ф и т р а т. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993, 43-бет.

[5] С а д р и д д и н А й н и й . Алишер Навоий // Танланган илмий асарлар. Тошкент, 1978, 233-бет.

[6] Ўша мақола. 234-бет.

тўққиз жилдлик «Ўзбек халқ музикаси»да ҳам, бошқа мусиқа китобларида ҳам улар кўплаб матний хатолар ва муайян қисқартиришлар билан берилган. Хатоларнинг сабаби, уларнинг ижрога асосланганлиги ва оғиздан-оғизга ўтиб келганлиги бўлса, қисқартиришлар ғазалларнинг қайси куй билан ижро этилганлигига боғлиқ. Чунки улар бир куй билан тўлиқ айтилса, бошқасида қисқартириб куйланади ёки бирида тушиб қолган байтлар бошқасида тикланади. Мисол учун, «Ғаминг ўқики, кўнгуллар уйин нишона қилур» мисраси билан бошланадиган 7 байтли ғазал «Ушшоқ» ва «Нишона» номлари остида тўлиқ, «Ҳожиниёз I» куйи билан 4 байт ҳажмида ижро этилади. Худди шундай 9 байтли «Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар» ғазали «Мўғулчаи дугоҳ» куйида тўлиқ, «Дўстлар» номи билан 4 байт ҳажмида айтилади. «Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур» номли 8 байтли ғазал эса «Талқини баёт» куйи билан 6 байт, «Жонимдадур» номи билан 4 байт ҳажмида куйланади.

Навоийнинг уч, тўрт ёки беш байтли ғазали йўқ. Ўзи айтганидек, у асосан, 7, 9 ва 11 байтли газаллар ёзган. Ҳолбуки, «Навбаҳор ўлди-ю, кўнглум ғунчаси очилмади» («Навбаҳор»), «Кўнгулни бу кеча бир ой хаёли мубтало қилмиш» («Жафо қилмиш»), «Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо» («Жудо») ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар — 3 байт, «Икки кўзимки, дарду бало жўйборидур» («Абдураҳмонбеги — III»), «Тонг насими зоҳир этган гулъузоримдур менинг» («Тонг насими»), «Гул сочар ел боғаро, сарви равоним келдиму» («Гул сочар ел»), «Ўзга бўлди ёр меҳри, менда боқи(й)дур ҳануз» («Ёр меҳри». «Ҳануз»), «Очмағай эрдинг жамоле олам оро кошки» ғазаллари — 4 байт, «Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт» («Эй насими»), «То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен» («Муҳаббат дашти»), «Оҳким, ғам тиғидин кўксумни қилди чок ишқ» («Ишқ»), «Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим» («Истадим») ғазаллари 5 байт ҳажмида қўшиққа солинган. Биз мазкур тўпламда газалларнинг тўлиқ матнини келтирдик.

Ғазалларни номлашда эса тўққиз жилдлик «Ўзбек халқ музикаси» ва бошқа мусиқа китобларига асосландик. Бир

неча ном билан бир неча куйда ижро этилган ғазалларни улардан бири билан номлаб, бошқасини матн ости ҳаволасида кўрсатиб бордик. Бунда, албатта, икки ғазалнинг бир ном билан аталмаслигини ҳисобга олдик. Айтайлик, «Ушшоқ» ашуласи деганда биз кўпроқ «Қаро кўзум»ни кўз олдимизга келтирамиз. Ҳолбуки, «Ғаминг ўқики...» деб бошланадиган ғазал ҳам шу куй билан ижро этилади. Лекин у «Ҳожиниёз — I» ва «Нишона» номлари билан ҳам куйланади. Шунинг учун биз «Қаро кўзум»ни (гарчи шундай аташ мумкин бўлса ҳам) «Ушшоқ», кейингисини «Ҳожиниёз — I» деб номладик. Ёки «Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт» ва «Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму?» ғазаллари «Эй насими» номи билан айтилади. Табиийки, улардан бирини бошқа ном билан атадик. «Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга» ғазали эса «Мубтало бўлдум санга», «Санга» ва «Кўргали» каби уч ном билан куйланади — улардан бирини қолдиришга тўғри келди. Худди шундай «Баҳор андоққи, булбул гулъузори тоза истармен» ғазали — «Чоргоҳ — III» ва «Истармен», «Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтурғуси» ғазали — «Нақш» ва «Ўлтурғуси»; «Кўнглум ўртансун ағар ғайриға парво айласа» ғазали — «Талқин» ва «Айласа»; «Кўнғлум олғач, ул пари мажнуни шайдо қилдило» — «Муғулчаи сегоҳ» ва «Тўлқин»; «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб» ғазали — «Насруллойи» ва «Шитоб айлаб»; «Не қошу юздурур санга, эй сунъи лоязол» ғазали — «Мақоми бузрук» ва «Наво мақоми»; «Кўйинг борида қилмон жаннатға гузар ҳаргиз» ғазали — «Сувораи мақоми наво» ва «Ҳаргиз»; «Гул керакмастур манға мажлисда саҳбо бўлмаса» ғазали — «Талқини мақоми наво», «Бўлмаса» ва «Сабо» номлари билан ижро этилади ва ҳоказо[1].

Навоий асарларини ўқиб тушуниш ҳозирги ўқувчи учун осон эмас. Ўтган беш асрдан ортиқ вақт мобайнида тилимиз катта ўзгаришларга учраган. Бугунги тилимизда русча-евро-

[1] Албатта, биз мусиқашунос эмасмиз. Шунинг учун қўшиқлар номланишида хато кетган бўлса, олдиндан узр сўраймиз ва бу борадаги барча таклиф ва истакларни мамнуният билан қабул қилиб, улардан Алишер Навоий шеърлари билан айтиладиган қўшиқларнинг келгусида тўлдирилган ва тузатилган нисбатан мукаммал матнини нашр этишда фойдаланамиз. — Э.О.

пача сўзлар кўп бўлгани каби, ўтмишда арабча-форсча сўз ва иборалар кўп эди. Шуни ҳисобга олиб, шоир шеърлари мутолаасини осонлаштириш мақсадида кўплаб қадим туркий, форсий ва арабий сўзларга изоҳ бердик. Ёки диний-тасаввуфий тушунча ва истилоҳларни олайлик. Уларнинг моҳиятидан бехабар китобхон шеърнинг мазмунини, унда илгари сурилган ғояни тўла идрок этолмаслиги табиий. Шунинг учун биз тўпламдан ўрин олган шеърлардаги ана шундай тушунча ва истилоҳларни ҳам имкон қадар шарҳлашга ҳаракат қилдик, токи шеърият мухлислари ҳам, санъат аҳли ҳам бу буюк бадиият дурдоналарини ўқиб, мағзини чақишда қийналмасинлар. Айни жиҳатдан, мазкур тўплам нафақат ҳазрат Навоийнинг қўшиққа айланган асарлари матнини топиш, балки уларнинг мазмун-моҳиятини идрок этишда ҳам санъаткорларга асқотади, деб ўйлаймиз.

Халқимизнинг мумтоз ашулаларга муҳаббати ҳамиша баланд бўлиб келган. Ҳатто қўшиқ мафкуралаштирилган, замонавий қўшиқчилик зўр бериб қўллаб-қувватланган шўро даврида ҳам мумтоз қўшиқлар янграшдан сира тўхтамаган. Мустақиллик даврида эса кўплаб муқаддас қадриятлар каби мумтоз қўшиқчиликка ҳам кенг йўл очилди. Ҳозир мумтоз ашулаларга мурожаат қилмаган санъаткорни топиш қийин. Мумтоз қўшиқларни замонавий усулда, ҳатто эстрада йўналишида куйлашмоқда. Шу жиҳатдан, Алишер Навоий шеърлари билан айтиладиган ашулалар матнининг мазкур мажмуа мисолида бир ерда жамланиши қўшиқ мухлисларигагина эмас, маданият ва санъат аҳлига — бастакор, ҳофиз ва хонандаларимизга ҳам ажойиб туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз.

*Эргаш ОЧИЛОВ,*
*филология фанлари номзоди*

# ҚЎШИҚЛАР

## УШШОҚ

Қаро кўзум, келу мардумлуғ[1] эмди фан[2] қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин[3] яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковаринғға[4] бағир қонидин ҳино боғла,
Итингға ғамзада[5] жон риштасин расан[6] қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан[7] қилғил.

Юзунг висолиға етсун, десанг, кўнгулларни,
Сочинғни боштин-аёғ чин ила шикан[8] қилғил.

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ[9], мени
Гулоб[10] ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ[11] ўқин шамъи анжуман қилғил.

---

[1] Мардум — 1) киши, инсон; 2) кўз қорачиғи.
[2] Фан — 1) касб, ҳунар; 2) фазилат; 3) одат.
[3] Равза — 1) боғ; 2) жаннат; 3) мозор, зиёратгоҳ.
[4] Таковар — йўрға от.
[5] Ғамзада — ғамгин, қайғули.
[6] Расан — 1) ип, арқон; 2) соч, соч ўрами.
[7] Кўҳкан — 1) тоғ қазувчи; 2) Фарҳоднинг лақаби.
[8] Шикан — бу ерда: соч ўрами, ҳалқаси, жингалаги, тугуни.
[9] Рафиқ — 1) дўст, қадрдон; 2) маҳбуба, севгили; 3) сирдош, ҳамдард.
[10] Гулоб — 1) гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; 2) кўз ёши.
[11] Бошоғлиғ — ўткир учли, ўткир тиғли.

## МУНОЖОТ

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў[1] келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў[2] келмади.

Оразидек[3] ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек[4] ҳам ўлғанда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким, йиғладим девонавор[5],
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мени —
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби[6] содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,
Йўлғаким аввал қадам, маъшуқи ўтру[7] келмади.

Эй Навоий, бода[8] бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

---

[1] Г у л р ў ( й ) — гул юзли; гўзал, чиройли.

[2] Б а д х ў ( й ) — феъли ёмон; бу ерда: ситамгар маҳбуба.

[3] О р а з — юз, чеҳра.

[4] Р ў з г о р — 1) турмуш, ҳаёт; 2) тақдир; 3) давр, замон.

[5] Д е в о н а в о р — девонадек, девоналарча.

[6] Т о л и б — солик, мурид, йўловчи: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо розилиги учун интилаётган киши.

[7] Ў т р у — қарши, муқобил, рўпара.

[8] Б о д а — май, шароб, маст қилувчи ичимлик. Бода ва унинг май, шароб каби маънодошлари тасаввуф адабиётида илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон (маърифат) рамзи бўлиб келади. Шунга мувофиқ, мастлик илоҳий маърифатдан ҳузурланишни, маънавий завқ дарёсига ғарқ бўлишни билдиради.

## МАҚОМИ БУЗРУК[1]

Не қошу юздурур санга, эй сунъи лоязол[2],
Бир ой бошида кўрмади ҳеч ким ики ҳилол[3].

Оғзи сўзин демакда бели ёдима келур,
Оре[4], дақиқ нукта[5] аро юз берур хаёл.

Кўзу қошинг биайниҳ[6] наргис бошинда нун[7],
Зулфунг аёғинг остида чун[8] вард[9] аёғи дол[10].

Хат лафзи кимки ёзса, қўяр нуқта юқори,
Мушкин хатингнинг устида андоқ кўрунди хол.

Сарсабз[11] эрур ҳамиша бу гулшанда сарвдек[12],
Озодаеки[13], бўлса мизожида эътидол[14].

Васл истарам аён қилибон ашк дурларин,
Сойил[15] етимлар йигиб эткан киби суол[16].

Ул чобук[17] оллида бошин этти Навоий гўй[18],
Чавгон[19] саргузаштима басдур гувоҳи ҳол.

---

[1] Бу қўшиқ «Мақоми наво» ва «Не қошу юз» номлари билан ҳам ижро этилади.

[2] Сунъи лоязол — абадий барҳаёт Худо.

[3] Ҳилол — янги чиққан ой, уч кунлик ой; мажозан: қош.

[4] Оре — албатта, шубҳасиз.

[5] Нукта — нозик ва чуқур маъноли сўз, ҳикмат.

[6] Биайниҳ — худди, худди ўзи, айнан.

[7] Нун — араб алифбосидаги «н» ҳарфи.

[8] Чун (Чу) — 1) -ки, чунки, шу сабабдан; 2) агар, вақтики, модомики; 3) ухшаш, монанд.

[9] Вард — атиргул, қизил гул.

[10] Дол — араб алифбосининг саккизинчи ҳарфи — «д»; мажозан: эгилган, букик.

[11] Сарсабз — бу ерда: хушу хуррам, хушҳол, хурсанд.

[12] Сарв — қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турадиган игнабаргли гўзал ва хушқомат дарахт. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг келишган зебо қадди-қоматини сарвга нисбат берадилар.

[13] Эътидол — бу ерда: тўғрилик.

[14] Озода — дунёвий боғлиқликлардан қутулган, тарки дунё қилган, жавонмард, дарвеш.

[15] Сойил — гадо, тиланчи.

[16] Суол — сураш, тиланиш.

[17] Чобук — 1) тез, чаққон, илдам; 2) шўх, ўйноқи, гўзал.

[18] Гўй — чавгон ўйинида ўйналадиган тўп.

[19] Чавгон — 1) «от тўпи» ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ; 2) «от тўпи» ўйини, чавгон ўйини.

# ШЎХ ИККИ ҒИЗОЛИНГНИ[1]

Шўх икки ғизолингни[2] ноз уйқусидин уйғат,
То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнат.

Тишлабки, сочинг ўрдунг, очқанча паришон қил,
Офоқ[3] саводинда[4] жон ройиҳасин[5] бутрат[6].

Кулбамға хайафшон[7] кел, зулфунг қилиб ошуфта[8],
Анжум[9] сипаҳин синдур, офоқ улусин[10] қўзғат.

Ораз қуёшин очиб, ашки қуруған кўзни
Кўп ҳажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлат.

Бир оҳ ила кул бўлдум, эй чарх, тилаб топиб,
Фарҳод ила Мажнунға ошиқлиқ ишин ўргат.

Хоро[11] тубига ётқунг, йўқ суд[12] агар юз йил,
Кўк атласи[13] устида жисмингни ётиб ағнат.

Базм ичра Навоий кўп йиғлар эса, эй соқий,
Ҳуш элткучи дору жомиға[14] анинг чайқат.

---

[1] Бу ғазал «Сувора» номи билан ҳам ижро этилади.
[2] Ғ а з о л (Ғ и з о л) — кийик, оҳу.
[3] О ф о қ — дунё, олам.
[4] С а в о д — 1) қора, қоралик; 2) қоронғилик, зулмат.
[5] Р о й и ҳ а — ҳид, бўй.
[6] Б у т р а т м о қ — тарқатмоқ.
[7] Х а й а ф ш о н — тер томчиларини сочмоқ.
[8] О ш у ф т а — ошиқ, шайдо, мубтало, гирифтор.
[9] А н ж у м ( Н у ж у м ) — юлдузлар.
[10] У л у с — эл, халқ, омма.
[11] Х о р о — қаттиқ тош, гранит.
[12] С у д — фойда, манфаат, наф.
[13] К ў к а т л а с и — мовий осмон.
[14] Ж о м — қадаҳ, пиёла. Жом ва унинг маънодошлари тасаввуфда маърифат зиёсига лиммо-лим кўнгил маъносида келади.

## ҚАДАҲ

Истамон май бўлса хуршиди[1] жаҳоноро[2] қадаҳ,
Тутмаса базм ичра ул шўхи қадаҳпаймо[3] қадаҳ.

Ёр чун тутти қадаҳ, ичмон демак бўлмас, валек
То не ҳол ўлғум яна ичкач мени шайдо қадаҳ.

Ҳажр андуҳида оз май тутмас, эй соқий, мени
Базм аҳлидин тўларок тут манга амдо[4] қадаҳ.

Бир қуёш ҳажридин андоқ, менки ичкум сиққариб,
Тутсалар, солиб шафақгун[5] май, сипеҳросо[6] қадаҳ.

Ҳажр дафъин чун табиби ишқдин сўрдум, деди —
Ким: эрур ё васл, ё жон тарки қилмоқ, ё қадаҳ.

Бу фано дайрида[7] зоҳир[8] бўлди анфоси[9] Масиҳ[10] —
Ким, ичиб тутти манга ул дилбари тарсо[11] қадаҳ.

Чун хумор илгимни[12] қилди раъша[13], жоно, оғзима
Нетти ўз илгинг била тутсанг солиб саҳбо[14] қадаҳ.

---

[1] Х у р ш и д — қуёш, офтоб.

[2] Ж а ҳ о н о р о — жаҳонни безовчи.

[3] Қ а д а ҳ п а й м о — қадаҳ тутувчи, соқий.

[4] А м д о — кўриб-билиб, атай, қасддан.

[5] Ш а ф а қ г у н — шафақранг, қизил; сариқ аралаш қизил.

[6] С и п е ҳ р — 1) осмон; 2) замон, дунё.

[7] Д а й р и ф а н о — фоний дунё. Тасаввуфда ориф ва авлиёлар davrasi, мажлиси.

[8] З о ҳ и р — 1) кўриниб турган, очиқ, ошкор, аён; 2) ташқи кўриниш, сирт, юза.

[9] А н ф о с — нафаслар, дамлар.

[10] М а с и ҳ — Исо пайғамбар. Унинг қўли теккан — силаган ўликка жон кирар экан. Шунинг учун ҳам ул зот ал-Масиҳ — силовчи деб улуғланган. Нафаси ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқага ҳам Масиҳ сифатини беришади.

[11] Т а р с о — насроний. Суфийлар наздида нафси амморани маҳв этиб, нафси ҳамидага эришган ориф инсон.

[12] И л и г ( И л и к ) — қўл.

[13] Р а ъ ш а — титроқ, ларза, қалтираш.

[14] С а ҳ б о — қизил май, олий сифатли май.

Су хумор аҳли ичарлар, ул ҳам ўлғандин зарур,
Ичмагум ҳайвон суйин[1], эй Хизр[2], топқум то қадаҳ.

Чун харобот[3] ичра маст ўлдум ичиб, эй майфуруш[4],
Риндлар[5] бирла солиб ғавғо мени расво қадаҳ.

Шаҳна[6] базмиға не ҳосил, гар кириб ошуб[7] ила,
Чекмасам шоҳид[8] била мутриб[9], қилиб яғмо[10] қадаҳ.

Чексалар, тонгла тутуб Боғи жаҳоноро[11] сари,
Дайр[12] аро топиб суроҳи[13], айлабон пайдо қадаҳ.

---

[1] Ҳайвон суйи — оби ҳаёт, мангулик суви, оби Хизр, оби бақо, Хизр суви, Хизр чашмаси, ҳайвон булоғи, оби ҳайвон, тириклик суви. Оби ҳаёт тасаввуфда саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайдиган, Аллоҳ томонидан ўзи хоҳлаган бандаларига бериладиган ладуний (илоҳий) илм маъносида келади.

[2] Хизр — зулмат қаъридан оби ҳаёт — тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади.

[3] Харобот — майхона, комил инсон ҳузури; башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлиши.

[4] Майфуруш — май сотувчи; мажозан: руҳоний раҳбар, пир, муршид, комил инсон.

[5] Ринд — шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Ринд аҳли илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар.

[6] Шаҳна — посбон, қоровул.

[7] Ошуб — ғавғо, фитна, тўполон.

[8] Шоҳид — 1) ҳозир, далил; 2) қалбдаги ҳолат, ғойиб бўлган нарсани кўрсатадиган ва қалбга ҳузур бахш этадиган нарса; 3) гўзал маҳбуба.

[9] Мутриб — чолғувчи ва қўшиқчи, муғанний. Тасаввуфда орифлар дилини рамзлар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўлдирадиган, файз етказувчи ва тарғиб қилувчиларни мутриб дейдилар. Раббоний оламдан огоҳ қилувчилар ва комил пирларга ҳам ишора қилинади. Унинг куйи — маърифат, қўшиғи эса — ҳақиқат.

[10] Яғмо — талон-торож, ғорат, вайронгарчилик.

[11] Боғи Жаҳоноро — Ҳиротдаги машҳур боғ.

[12] Дайр — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона. Сўфийлар истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланишни билдиради.

[13] Суроҳи(й) — узун бўйинли сув ва май идиши, шишаси. Сўфийлар истилоҳида унс (яқинлик, дўстлик) мақоми суроҳий дейилади.

Ваҳ, не ҳол ўлғай аларғаким, Навоийдур дебон,
Тонибон чорлаб, манга лутф айласа Мирзо қадаҳ.

Хусрави Ғозийки[1], жоми Жам[2] анга бўлсун насиб,
То қуёштин кўргузур бу торами[3] аъло қадаҳ.

## САБО[4]

Мени бир нома[5] бирла дилбарим ёд этмади ҳаргиз[6],
Қулин қайғудин ул хат бирла озод этмади ҳаргиз.

Сиришким[7] сайли[8] йиқмай қўймади[9] худ сабр бунёдин,
Бузуғ кўнглумда тарҳи[10] васл бунёд этмади ҳаргиз.

Балолар тоғини ҳажринда тирноғим била қоздим,
Мен эткан ишни ошиқликда Фарҳод этмади ҳаргиз.

Чу нақди сабр торож айладинг, кўнглумга ўт солдинг,
Бу навъ ўз кишварига[11] шоҳ бедод этмади ҳаргиз.

Фироқ айёмида кўп нафъ еткурди буким, кўнглум
Ўзин ул шўхнинг васлиға муътод[12] этмади ҳарғиз.

---

[1] Бу ерда Ҳусайн Бойқаро кўзда тутилмоқда.

[2] Ж о м и  Ж а м — Жамшид жоми. Жамшид «Жоми жаҳоннамо» — жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда дунёдаги нафақат ҳозирги, балки ўтмишда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳам акс этар экан. Май қадаҳи ва комил инсон қалбини ҳам илоҳий сирларни ўзида сақлаши жиҳатидан Жамшид жомига нисбат берадилар. Жамшид жомидаги майни ичган билан сира тугамас эмиш.

[3] Т о р а м — 1) гумбаз, қубба; 2) кўк, осмон.

[4] Бу қўшиқ «Ёд этмади ҳаргиз» номи билан ҳам ижро этилади.

[5] Н о м а — хат, мактуб. Тасаввуфда маҳбуби ҳақиқий билан ғойибона сирлашув.

[6] Ҳ а р г и з — ҳеч қачон, асло, сира.

[7] С и р и ш к — кўз ёши.

[8] С а й л — сел.

[9] Х у д — 1) албатта, ҳақиқатан; 2) ёлғиз, фақат; 3) ўзи, ўзгинаси; 4) худди, каби, -дек.

[10] Т а р ҳ — бу ерда: 1) бино; 2) тарз.

[11] К и ш в а р — мамлакат, ўлка, вилоят, иқлим.

[12] М у ъ т о д — ўрганган, одатланган.

Не тонг[1], девона кўнглум итларингга таън қилмоққим,
Ебон юз дарду меҳнат[2] тоши, фарёд этмади ҳаргиз.

Эрур, ишқ оллида жоним фидо қилсам, ҳануз озким,
Ул ойдин ўзгани қатлимға жаллод этмади ҳаргиз.

Не тонг, эй мугбача[3], ишқингда маст ўлсамки, пири дайр[4]
Бу икки ишдин ўзга бизга иршод[5] этмади ҳаргиз.

Агар бузди Навоий кўнглини ул бевафо, тонг йўқ,
Вафо аҳли уйин чун ишқ обод этмади ҳаргиз.

## НАВРЎЗИ ХОРО

Лабинг майи ҳавасидин мудом йиғлармен,
Пиёладек ўлубон талхком[6] йиғлармен.

Ғаминг тунида куюб шамъдек саҳарға тегин,
Ўзумга уйқуни айлаб ҳаром йиғлармен.

Ўзумни ҳар нимага кундуз айларам машғул,
Ғариб ҳолима, чун бўлди шом, йиғлармен.

Торицти[7] чарх йиғимдин, магарки билмас эди —
Ки, дарди ҳажр замонин тамом, йиғлармен.

Хаёл ила анга деб дам-бадам саломимни
Бериб ўз-ўзума, андин паём[8] йиғлармен.

---

[1] Не тонг — не ажаб.

[2] Меҳнат — 1) қийинчилик, машаққат; 2) бало, мусибат; 3) дард, ғам.

[3] Муғбача — муғ (оташпараст)лар ибодатхонасидаги дастёр бола. Тасаввуф адабиётида содиқ мурид, чин ошиқ ва соқий тимсоли бўлиб келади.

[4] Пири дайр (Дайр пири) — майхона пири, яъни тариқат пири, маънавий раҳбар.

[5] Иршод — ҳидоят йўлига бошлаш, раҳбарлик қилиш.

[6] Талхком — аччиқ насибали, аламзада, қайғули.

[7] Торикмоқ — зерикмоқ, сиқилмоқ.

[8] Паём — хабар, дарак.

Бўлуб ичим тўла қон давр эли нифоқидин,
Сариғ узор[1] ила андоққи жом йиғлармен.

Навоиё, яна бир лоларух[2] фироқинда,
Кўзум ёшин қилибон лолафом[3] йиғлармен.

## УФОРИ МАҚОМИ РОСТ

Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била.

Ҳар маеким, онсиз ичтим топғали ғамдин амон,
Заҳри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга еткайменму, ваҳ, бу субҳи[4] йўқ шомим била.

Қайда бўлсин музтариб[5] кўнглумға ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.

Эй сабо[6], ул гулга муҳлик[7] фурқатим пайгомин[8] айт,
Балки жон нақдин анга еткур бу пайғомим била.

Кўнглум ичра бут[9] ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин оллинда борғунча бу исломим била.

Эй Навоий, ўлсам армон элткумдур, ичмайин
Бир сабуҳи[10] гулъузори бодаошомим[11] била.

---

[1] Узор — 1) юз, чеҳра; 2) ҳусн, жамол.
[2] Лоларух — лола юзли, қизил юзли, гўзал маҳбуба.
[3] Лолафом — лола тусли, қизил.
[4] Субҳ — тонг. Тасаввуфда ваҳдат ёки ваҳдат нурига ишора.
[5] Музтариб — изтироб чекувчи, бетоқат, беқарор.
[6] Сабо — Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. Тасаввуфда у Аллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. Сабо ошиқнинг оҳу ноласини Аллоҳга, ўз навбатида, Аллоҳнинг хабарини ошиққа етказади.
[7] Муҳлик — ҳалокатли, ўлдирувчи.
[8] Пайғом — хабар, дарак, башорат.
[9] Бут — 1) санам; 2) маҳбуба.
[10] Сабуҳий — эрталабки бош оғриғи учун ичиладиган май.
[11] Бодаошом — майпараст.

## МЎҒУЛЧАИ СЕГОҲ[1]

Кўнглум олғач, ул пари мажнуну[2] шайдо қилдило,
Ақлу ҳушумни жунун[3] даштида яғмо қилдило.

Ўзгача зулму тааддилар[4] била қоним тўкар,
Турфа эрди, турфа ишлар доғи пайдо қилдило.

Ҳурмати тақво тутар эрди, вале маст отланиб,
Бошима чопмоқ била оламға расво қилдило.

Оҳким чектим, кўруб жавлонини беихтиёр,
Ёшурун ишқим улусқа ошкоро қилдило.

Бир қадаҳ қуймоқ била оғзимғаю хирқамға[5] ҳам,
Хирқа майлиға раҳн[6] ўзни бодапаймо[7] қилдило.

Дайр аро жоми лаболабким ичурди, ҳолима
Хонақаҳ аҳли[8] келиб бир-бир тамошо қилдило.

Бехуд[9] ўлғач, зулфи зуннориға[10] дин накдин бериб,
Ишқ бозорида кўнглум турфа савдо қилдило.

Менмен эмди-ю, фано дайрида бўлмоқ майпараст,
Муғбача ишқи улусқа сиррим ифшо[11] қилдило.

Гар ватан дайр ичра топтим, кимсага йўқ ҳеч айб,
Дайр пиридин Навоий бу таманно қилдило.

---

[1] Бу қўшиқ «Тўлқин» номи билан ҳам ижро этилади.

[2] Мажнун — 1) телба, девона; 2) ошиқ, мубтало, гирифтор.

[3] Жунун — ошиқлик, беқарорлик, савдойилик. Тасаввуфда мастликнинг интиҳосию дарвешликнинг ибтидоси. Ишқда ўзидан бехабарлик. Жунун дашти — телбалик, савдойилик дашти.

[4] Таадди — 1) адоват, душманлик; 2) зулм, ситам.

[5] Хирқа — жанда. Шайху муридлар киядиган махсус кийим.

[6] Раҳн — гаров.

[7] Бодапаймо — соқий, косагул.

[8] Хонақоҳ аҳли — сўфийлар. Хонақоҳ — сўфийлар йиғиладиган, зикр тушадиган жой.

[9] Бехуд — ақлу ҳушини йўқотган, маст, ихтиёрсиз. Тасаввуфда ўзидан бехабар, ошиқлик ва мастлик мақомидаги киши.

[10] Зуннор — насроний динидагилар белига боғлайдиган чилвир. Ислом мамлакатларида ғайримусулмонлар ҳам зуннор боғлаб юришган. Тасаввуфда зуннор — ҳақиқий маҳбубанинг хизмати ва тоатига бел боғлаш.

[11] Ифшо — очиш, ошкор қилиш, фош этиш.

2—11-243


ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI
1098

## ТАЛҚИНИ МАҚОМИ СЕГОҲ

Тиғи ҳижронинг кириб, кўнглумни ғамнок[1] айлади,
Ичкаридин кўкрагимни сарбасар[2] чок айлади.

Айлади мен зори маҳзунни балову жавркаш[3],
Улки дилдоримни мундоқ масту бебок[4] айлади.

Ҳусн аро улким насибинг қилмади жуз[5] поклик,
Хотирим лавҳини ғайринг[6] нақшидин пок айлади.

Зор жисмим ламъаи[7] ҳуснунгдин ўртанмак не тонг,
Чунки ишқ ул бирни ўт, бу бирни хошок айлади.

Дам уруб, гардимни еткур кўйига, эй субҳи васл —
Ким, танимни ҳажр бепоён туни хок[8] айлади.

Маърифат[9] нахлидин[10] ул ориф[11] ҳамоно топти бар[12] —
Ким, тафаккур бирла фаҳми моарафнок[13] айлади.

Носиҳо[14], ул ҳусндин қилмас Навоий манъини,
Ҳар кишиким ишқ атворини идрок айлади.

---

[1] Ғ а м н о к — ғамгин, гамли, қайғули.

[2] С а р б а с а р — бошдан-оёқ, бутунлай.

[3] Ж а в р к а ш — жабр тортувчи, азият кўрган.

[4] Б е б о к — 1) ботир, қўрқмас; 2) золим, тошбағир, шафқатсиз; 3) ҳаёсиз, андишасиз.

[5] Ж у з — бўлак, бошқа, ўзга.

[6] Ғ а й р — бошқа, ўзга, бегона.

[7] Л а м ъ а — шуъла, нур.

[8] Х о к — тупроқ.

[9] М а ъ р и ф а т — Аллоҳ моҳияти ҳақидаги илм, ирфон.

[10] Н а х л — кўчат, дарахт.

[11] О р и ф — маърифат соҳиби, Аллоҳни таниган киши, комил инсон. Аллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларини мушоҳада этадиган завқий ва важдий илмлар эгаси бўлган зот.

[12] Б а р — бу ерда: ҳосил, мева.

[13] М о а р а ф н о к — Қуръон оятига ишора: «Биз сени танимадик...»

[14] Н о с и ҳ — насиҳатгўй.

## МУБТАЛО БЎЛДУМ САНГА[1]

Кўрғали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санға,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга?!

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манго, бўлдум санга.

Қай парипайкарға[2], дерсен, телба бўлдунг бу сифат,
Эй парипайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санга!

Эй кўнғул, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга!

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ[3] айлаб, ғадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ[4] аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санға.

## АВВАЛҒИЛАРҒА ЎХШАМАС

Кўнглум ичра дарду ғам аввалғиларға ўхшамас —
Ким, ул ойнинг ҳажри ҳам аввалғиларға ўхшамас.

Не ситамким қилса, раҳм махфий эрди зимнида[5],
Эмди қилса ҳар ситам аввалғиларға ўхшамас.

Демангиз, Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,
Хўбликда[6] ул санам аввалғиларға ўхшамас.

---

[1] Бу қўшиқ «Санга» ва «Кўргали» номлари билан ҳам ижро этилади.
[2] П а р и п а й к а р — пари жуссали, гўзал, чиройли.
[3] Ж о ҳ — 1) амал, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) буюклик, шавкат.
[4] У ш ш о қ — ошиқлар.
[5] З и м н и д а — орасида, ичида.
[6] Х ў б л и к — 1) гўзаллик; 2) яхшилик.

Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалғиларға ўхшамас.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунға ўхшатманг мени —
Ким, бу расвои дижам[1] аввалғиларға ўхшамас.

Кўйининг эҳромидин[2] кўнглумни манъ этманг яна —
Ким, анга азми ҳарам[3] аввалғиларга ўхшамас.

Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун[4] васфиким,
Шоҳ Ғозийға[5] карам аввалғиларга ўхшамас.

## ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН?

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори сафосинму[6] дейин?

Ишқи дардинму дейин, ҳажри набардинму[7] дейин,
Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли[8] каломинму дейин,
Бирининг қайди[9], яна бирнинг адосинму дейин?

---

[1] Д и ж а м — эзилган, хор, ғамгин, азоб чеккан.

[2] Э ҳ р о м — 1) ҳажга борувчиларнинг кийими; 2) бирор ерга боришни ният қилиш.

[3] А з м и ҳ а р а м — ҳаж сафари нияти.

[4] Ф а р и д у н ( А ф р и д у н ) — қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдор. У адолатли шоҳ тимсоли ҳисобланади.

[5] Ш о ҳ Ғ о з и й — Султон Ҳусайн Бойқаро.

[6] С а ф о — 1) поклик, тиниқлик; 2) гўзаллик. Тасаввуфда риёзат чекиш натижасида дилнинг нафс хоҳишлари, ёмон иллатлар, ғаддор дунё ва Худо ёдидан бўлак нарсалардан қутулиб покланиши.

[7] Н а б а р д — уруш, жанг, муҳораба.

[8] Л а ъ л — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг чўғдек лабига, ошиқнинг қонли ёшига, қизил майга нисбат берилади.

[9] Қ а й д — банд, занжир, кишан.

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму[1] дейин?

Чарх ранжинму дейин, даҳр[2] шиканжинму[3] дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

## ОРАЗИ МАҚОМИ НАВО

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд[4] этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра?!
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳрчашм[5] айлаб, ниҳон бу нўшханд[6] этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши[7] мажнуншиоримким[8],
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд[9] этмас.

Кўнгул уз чарх золидин[10], фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин[11] ўзга бўйнунгға каманд[12] этмас.

---

[1] Қ а б о — устки кийим.
[2] Д а ҳ р — 1) дунё; 2) замон; 3) ҳаёт.
[3] Ш и к а н ж — букилиш, бурилиш; бу ерда: ранжу азоб.
[4] А р ж у м а н д — азиз, қадрли, шарафли, лойиқ.
[5] Ч а ш м — кўз. З а ҳ р ч а ш м — кўз тегизмоқ.
[6] Н ў ш х а н д — чиройли табассум, ширин кулги.
[7] Қ о т и л в а ш — қотилга ўхшаш, қотилдек.
[8] М а ж н у н ш и о р — мажнунлик (телбалик) йўлини тутувчи.
[9] С а м а н д — тулпор, арғумоқ; чиройли от.
[10] Ч а р х з о л и — фалак.
[11] С а р р и ш т а — калаванинг учи; ишнинг асоси.
[12] К а м а н д — ҳалқа, сиртмоқ, занжир, банд.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд[1] этмас.

## КЎРМАДИМ

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға
Ҳар тарафдин юз туман[2] тиғи жафосин кўрмадим?!

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафога юз жафо анинг жазосин кўрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға
Ғайр сари хулқу лутфи жонфизосин[3] кўрмадим?!

Кимга солдим кўз қарою оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?!

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ[4], эй рафиқ —
Ким, мен ушбу хайлнинг[5] ҳусни вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида —
Ким, бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

## БЎЛМАСА-БЎЛМАСУН, НЕТАЙ

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!
В-ар[6] ғамима шумора[7] йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

Ранжима йўқ эса адад — хост[8] бу эрса, найлайин,
Дардима гар канора[9] йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

---

[1] С и п а н д — исириқ.
[2] Т у м а н — ўн минг; ниҳоятда кўп, саноғига етиб бўлмайдиган.
[3] Ж о н ф и з о — жонга роҳат берувчи, фараҳбахш.
[4] Т а в а қ қ у ъ — кутиш, кўз тутиш; умид, орзу.
[5] Х а й л — тоифа, гуруҳ, эл, жамоа.
[6] В - а р — ва агар.
[7] Ш у м о р а — саноқ, ҳисоб.
[8] Х о с т — хоҳиш, истак; талаб.
[9] К а н о р а (К а н о р) — 1) соҳил, қирғоқ; 2) тараф, томон; 3) чет, бурч.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлуриға, зоҳидо[1]
Ҳожати истихора[2] йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

Ёрдин элга комлар[3], буки менинг сари гаҳи
Кўз учидин назора[4] йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

Машъали васл ила улус шоми мунаввару менинг —
Бахтима бир шарора[5] йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

Қисми[6] азалға шодмен, буки фалак риояти[7],
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

Дедим: эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди:
Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай?!

## ГУЛЪУЗОРИМ

Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол[8] этмиш мени,
Элга аҳволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини[9] не тонг, кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қошинг фикри андоқким ҳилол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, вале ўткан кеча
Бода зўр айлаб, йиғи беэътидол этмиш мени.

---

[1] З о ҳ и д — узлат ва тақвони касб қилиб олиб, дунё лаззатидан юз ўгирган киши. Бу тоифа ишқ ва ирфондан бехабар бўлиб, мақсади тақво билан охират мағфиратини қозониш, Қуръонда ваъда қилинган жаннатнинг ҳузур-ҳаловатига етишиш. Суфийларнинг ҳар икки дунёдан мақсади Худонинг ўзи, унинг дийдори бўлганлиги учун зоҳидларнинг бу ишини тамагирлик деб ҳисоблайдилар ва уларни танқид қиладилар.

[2] И с т и х о р а — туш кўриб, фол очиш.

[3] К о м — 1) оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак.

[4] Н а з о р а — қараш, томоша қилиш

[5] Ш а р о р а ( Ш а р а р ) — 1) учқун, аланга; 2) алам, дард.

[6] Қ и с м — бу ерда: ризқ, насиба, улуш.

[7] Р и о я т — эътиборга олиш, ҳурматлаш.

[8] О ш у ф т а ҳ о л — паришонҳол, ғам босган.

[9] Ҳ а в о й и — ошиқ, беқарор, саргардон.

Ёр кўйи ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ[1] поймол этмиш мени.

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур[2] ҳайъатим[3],
Фурқатинг то заъфдин[4] андоққи нол[5] этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламға, мен — ким, зуҳд[6] — ким?!
Зоҳиди афсурда[7], оё[8], не хаёл этмиш мени?!

Дашт ваҳшиға анис[9] ўлсам Навоийдек, не тонг,
Ул пари савдоси чун Мажнун мисол этмиш мени.

## ҲУСНИ ОРТАР

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон[10] айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тиғ ила пайконларинг[11] етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб, тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун[12] ҳулла[13] жаннат хозини[14],
Ишқ мақтулин[15] шаҳид айларда урён[16] айлагач.

---

[1] Янглиғ — каби, сингари, ўхшаш.
[2] Барқ — 1) чақмоқ, яшин; 2) ўт, олов, аланга; 3) шуъла, нур.
[3] Ҳайъат — шакл, кўриниш, сурат.
[4] Заъф — қувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик.
[5] Нол — қамиш.
[6] Зуҳд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик.
[7] Афсурда — эзилган, тушкун, ғамгин, хаста.
[8] Оё — магар, мабодо, балки.
[9] Анис — дўст, улфат, ҳамсуҳбат, ҳамдард.
[10] Анбарафшон — анбар сочувчи, ёқимли ҳид таратувчи.
[11] Пайкон — камон ўқининг учидаги учлик темир; найзанинг ўткир учи.
[12] Гулгун — гулранг, пуштиранг, қизил.
[13] Ҳулла — нафис матодан тикилган кийим.
[14] Хозин — хазиначи, қўриқчи.
[15] Мақтул — қатл қилинган, ўлдирилган.
[16] Урён — яланғоч.

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонға қўйғач нақди ишқин, қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур[1] маҳрамни[2] султон ганж[3] пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон[4] айлагач.

## ТАРОНАИ САЙРИ ГУЛШАН — III

Кўзунг не бало қаро бўлуптур —
Ким, жонға қаро бало бўлуптур.

Мажмуъи давони дард қилди,
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки, санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонага ошно бўлуптур.

То қилди юзунг ҳавоси жоним,
Юз сари анга ҳаво[5] бўлуптур.

Бақо топар улки, бўлди фоний[6],
Раҳравға[7] бақо[8] фано бўлуптур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

---

[1] Ў л т у р у р — бу ерда: ўлдиради.

[2] М а ҳ р а м — бу ерда: содиқ хизматкор маъносида.

[3] Г а н ж — 1) бойлик, хазина; 2) олтин-кумуш, зар-зевар.

[4] А ф ғ о н — нолалар, фиғонлар, фарёдлар.

[5] Бу байтда ҳаво сўзи биринчи мисрада — майл, орзу, иккинчи мисрада — парвоз маъносида келаяпти.

[6] Ф о н и й ( Ф а н о ) — йўқолиш, маҳв бўлиш. Тасаввуфда моддий боғлиқликлардан буткул қутулиб, фақат Худонинг ёди билан яшаш, Худодан ўзгага эҳтиёжсизлик.

[7] Р а ҳ р а в — йўловчи, солик, мурид: тариқатга кириб, риёзат босқичларини босиб ўтиш орқали Худо сари сайр қилаётган киши.

[8] Б а қ о — абадийлик, мангулик. Тасаввуфда фанодин кейин келувчи сўнгги босқич. Бақога етиш учун солик дунёвий боғлиқликлардан тамомила озод бўлиб, руҳини юксалтиради ва бевосита Худони идрок этади.

## ЁРДИН АЙРУ КЎНГУЛ

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қора туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қора туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони[1] йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи[2] ҳайвони йўқ.

Зулматеким, чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони[3] йўқ.

Дўзахеким, равзаи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморедурки[4], анда мастлиқ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дардию лекин васлдин дармони йўқ.

## ТОПМАДИМ

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе[5] қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре[6] кўрмадим,
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне[7] топмадим.

---

[1] Маҳи тобон — тўлин ой, порлоқ ой.

[2] Сарчашма — булоқ боши; сув чиқадиган жой. Сарчашмаи ҳайвон — мангулик булоғи.

[3] Равзаи ризвон — жаннат боғлари.

[4] Хумор — муштоқ, майпараст. Тасаввуфда пири комил ва муршиди восилга ишора.

[5] Басе — кўп, ортиқ, зиёда.

[6] Ғамгусор — ғамдан халос қилувчи, меҳрибон.

[7] Дилситон — дилни олувчи, кўнгилни ўзига асир қилувчи; маҳбуба, маъшуқа.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,
Бир камонабрўда[1] тузликдин[2] нишоне топмадим.

Кўнглум ичра сарв ўқдур, гунча — пайкон[3], гул — тикон,
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне[4] топмадим.

Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булъажаброқ[5] достоне топмадим.

Табъ ганжинидин маоний[6] хурдасин[7], юз қатла ҳайф —
Ким, нисор[8] этмакка шоҳи хурдадоне[9] топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

## МЎҒУЛЧАИ ДУГОҲ[10]

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр, чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Ёр ишқин асрағил пинҳон, дебон саъй этмангиз,
Ваҳ, не навъ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар.

Ишқ бирла гар биров лофи вафову аҳд урар,
Ишвагарлар аҳдиға йўқ эътибор, эй дўстлар.

---

[1] Камонабрў (Абрўкамон) — қоши камон.
[2] Тузлук — тўғрилик.
[3] Пайкон — 1) камон ўқининг учидаги учли темир; 2) тиконнинг ўткир учи; 3) маъшуқанинг киприги.
[4] Гулситон — гулистон. Вазн талаби билан шундай ёзилган.
[5] Булъажаб — ажойиб, ҳайрон қоларли.
[6] Моний — маънолар.
[7] Хурда — бу ерда: сир.
[8] Нисор — 1) сочиш; 2) фидо қилиш.
[9] Хурдадон — нозикфаҳм, ўткир заковатли.
[10] Бу қўшиқ «Дўстлар» номи билан ҳам ижро этилади.

Айламанг бекаслигимни[1] таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор[2], эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиғлармен, охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор, эй дўстлар.

Ёрсиз ифрот[3] ила гар йиғласам, айб этмангиз —
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлуқ айлаб, тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор, эй дўстлар.

Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадуқ
Аҳду паймонида бўлғон устувор, эй дўстлар.

Ёрингиз враслин ғанимат англабон шукр айлангиз —
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

## ЎН САКИЗ ЁШИНДАДУР

Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон[4] ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси Эзид[5] таоло — сунъ[6] наққошиндадир.

Тан анга сийму[7] ичинда тош музмар[8] кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

---

[1] Бекас — кимсасиз, ёлғиз, ғариб.
[2] Чобуксувор — моҳир чавандоз; мажозан: маъшуқа.
[3] Ифрот — ҳаддан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш.
[4] Этмон — этмайман.
[5] Эзид — Худо, Тангри.
[6] Сунъ — 1) яратиш, маҳорат; 2) қудрат.
[7] Сийм — 1) кумуш, пул; 2) оқлик, оқ бадан.
[8] Музмар — пинҳон, махфий; дилда сақланган.

Май кетур, эй муғки[1], юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Булъажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур[2].

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри[3] ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

## НАҚШ

Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси[4],
Усрук[5] чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.

Гар заъф ила ожизлиғим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға еткач секретиб, беихтиёр ўлтургуси.

Васли аро гар ўлтурур — жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтургуси.

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким:
Ҳажр ўлса — ғам куйдургуси, васл ўлса — ёр ўлтургуси.

Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошосиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси!

Лаълинг закоти[6] май тутуб тиргузмасанг, эй мугбача,
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар: Навоий қатлиға гулгул очибтур оразин,
Кўргунча они, войким, бу хорхор[7] ўлтургуси.

---

[1] М у ғ — оташпараст; баъзан оташпарастлар руҳонийси маъносида ҳам келади; мажозан: пири комил.

[2] Х у ф ф о ш — кўршапалак.

[3] Б а ҳ р — азим дарё, денгиз.

[4] Ў л т у р г у с и — ўлдиргуси.

[5] У с р у к — маст.

[6] З а к о т — ислом динида муҳтожлар фойдаси учун ҳар йили умумий даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида бериладиган солиқ.

[7] Х о р х о р — 1) иштиёқ; 2) ғам-қайғу.

## ГУЛ СОЧАР ЕЛ

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним[1] келдиму?
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

Бехуд эрдим айткали кўнглум, чу келдим ҳолима.
Айтинг: ул овворай бехонумоним[2] келдиму?

Қолмиш эрди хаста жон кирганда мен майхонаға,
Англамонким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демангизким, келди маҳвашлар[3] сени ўлтургали,
Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум демангким, бошима келмиш Масиҳ,
Айтинг, ул осойиши руҳи равоним[4] келдиму?

Кўюнга ушшоқ келгандин хабар туттунг валек,
Демадинг, ул зори беному нишоним келдиму?

Зуҳд кўйига кўнгул била, дедингким, келмадинг,
Эй Навоий, неча айтиб, ул ёмоним келдиму?

## ДИЛСИТОНИМ СЕН МЕНИНГ

Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,
Гар мени ўлтур ва гар тиргузки, жоним сен менинг.

Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.

Кўнглум ичра сенсену ишқинг — не дей ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами[5] рози[6] ниҳоним[7] сен менинг.

---

[1] Сарви равон — юрувчи, хиром этувчи сарв, яъни чиройли юришли маҳбуба.

[2] Бехонумон — 1) уй-жойсиз; 2) сарсон-саргардон, бечора.

[3] Маҳваш (Моҳваш) — ойга ўхшаган, ойдек гўзал маҳбуба.

[4] Руҳи равон — жон, ҳаёт, тириклик, руҳ.

[5] Маҳрам — сирдош, улфат, ҳамдам.

[6] Роз — сир, асрор.

[7] Ниҳон — яширин, пинҳон, махфий.

Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен-ўқ[1] чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори[2] бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Телбалардан гарчи рад қилдинг мени, лек англағил —
Ким, парирухсоралардин танлағоним сен менинг.

Ўлди меҳрингдин Навоий — бевафо дебсен ани,
Эртаки нозукмизожи бадгумоним[3] сен менинг.

## НАВБАҲОР АЙЁМИ БЎЛМИШ

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нагмасоз[4],
Ваҳки, менмен гунгу лол ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур[5] гар диёру ёрсиз озурдамен[6] —
Ким, эмас булбул ғулу гулзорсиз, озорсиз.

Равза ашжори[7] ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Май чу бердинг, зулф ила банд эт мени, эй муғбача —
Ким, хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоми бехумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз[8].

Аҳли зуҳд[9] ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким[10], хуммрсиз.

---

[1] Ў қ — кучайтирув юкламаси.
[2] Б о р и — бари, барчаси, ҳаммаси.
[3] Б а д г у м о н — гумонсираш, шубҳаланиш.
[4] Н а г м а с о з — чолғувчи, куйловчи, созанда.
[5] Т о н г э м а с — ажаб эмас.
[6] О з у р д а — озор чеккан, ранжиган, хафа булган.
[7] А ш ж о р — дарахтлар.
[8] Х о р — тикан, ниш.
[9] А ҳ л и з у ҳ д ( З у ҳ д а ҳ л и ) — зоҳидлар.
[10] Ж а м ъ — бу ерда: гуруҳ, жамоат.

## ЁР МЕҲРИ

Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқи(й)дур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валек,
Жон анга манзил, кўнгул онинг висоқидур[1] ҳануз.

Ғайр ишқи кўнғлум уйинда нечук қилғай нузул[2] —
Ким, хаёли маскани кўзум равоқидур ҳануз.

Ишқ ила май таркин, эй носиҳ, не навъ айлай қабул —
Ким, кўнгулга орзу ул турфа соқи(й)дур ҳануз.

Фурқат[3] ўти дофеъи[4] доғ ўртамакдур демаким,
Ўртаган жоним ул ой доғи фироқидур ҳануз.

Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,
Лола қонин тўккучи анинг нифоқидур ҳануз.

Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқи(й)дур ҳануз.

## ЖУДО

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум[5] шаккаристондин[6] жудо.

Ул қуёш ҳажринда, қўрқармен, фалакни ўртагай —
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.

Дема: ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон бўлған нафас жондин жудо?

---

[1] В и с о қ — уй, хона, манзил, макон.
[2] Н у з у л — тушиш, иниш.
[3] Ф у р қ а т — айрилиқ, жудолик, ҳижрон.
[4] Д о ф е ъ — даф қилиш, қайтариш, йўқотиш.
[5] Т а к а л л у м — сўз, нутқ.
[6] Ш а к к а р и с т о н — шакар ҳосил бўладиган жой, шакарзор.

Ҳажр ўлумдин талх[1] эмиш, мундин сўнг, эй гардун[2], мени
Айлағил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо!

Бўлса юз минг жоним, ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Васл аро парвона[3] ўртанди ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин[4] жудо.

Бир эясиз[5] ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

## СОҚИЙНОМАИ МЎҒУЛЧАИ ДУГОҲ[6]

Ул ой қасдима тиғи буррон[7] чекиб,
Мен оллида шукронаға жон чекиб.

Масиҳим чу фарёдима етмади,
Неча ўлтурай ўзни афгон чекиб.

Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,
Алиф[8] нил[9] ила юзга ҳар ён чекиб.

Лабинг нўшдорусидин[10] не осиғ[11],
Мен ўлдум чу хуноби[12] ҳижрон чекиб.

---

[1] Т а л х — аччиқ, ёмон.

[2] Г а р д у н — 1) дунё, олам; 2) осмон, фалак.

[3] П а р в о н а — кечаси шам ёки чироқ атрофида айланиб, ўзини унга урадиган ҳашарот.

[4] Ш а м ъ и ш а б и с т о н — тунни ёритувчи чироқ; мажозан: гўзал маҳбуба.

[5] Э я — эга.

[6] Бу қўшиқ «Ул ой қасдима» ва «Даврон чекиб» номлари билан ҳам ижро этилади.

[7] Б у р р о н — ўткир, кескир.

[8] А л и ф — араб алифбосининг биринчи ҳарфи: «а». Тўғрилиги жиҳатидан маъшуқанинг тик, келишган қадди-қоматига нисбат берилади.

[9] Н и л — Мисрдаги катта дарё.

[10] Н ў ш д о р и — заҳарга қарши дори, тарёк.

[11] О с и ғ ( А с и ғ ) — фойда, манфаат, наф.

[12] Х у н о б ( Х у н о б а ) — қонли ёш, аччиқ йиғи.

Кетур, соқиё, давр аёғин[1] тўла —
Ки, жон қолмади ранжи даврон чекиб.

Агар васли боқий керак, истагил
Фано кўйига рахти[2] ҳирмон[3] чекиб.

Навоий бериб жон ўқи шавқидин,
Анинг захмидин ёр пайкон чекиб.

## ҚЎШЧИНОР

Жунун тоши уруб, ҳар ён янги доғимни афгор[4] эт,
Ичимдин лоладек ишқ ичра тошимни намудор[5] эт.

Чу мажнун қилдинг, эмди, эй муғанний, гўшатобингни[6]
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнумга туммор эт.

Десанг, кўнглум қуши айлаб ҳаво, чеккай навои ишқ,
Хадангингнинг[7] парин айлаб қанот, пайконин минқор[8] эт.

Сочинг куфрида[9] ўлсам, қабрим узра қўйма хирқамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман[10] белига зуннор эт.

Кўнгул айвонида оҳим елидин пардаи ишқинг,
Десангким, учмасун мужгондин[11] атрофига мисмор[12] эт.

---

[1] Аёғ (Аёқ) — қадаҳ, жом, коса.

[2] Рахт — 1) нарса; 2) кийим.

[3] Ҳирмон — маҳрумлик, бебаҳралик, умидсизлик.

[4] Афгор (Фигор) — 1) яраланган, мажруҳ; 2) эзилган ўртанган; 3) ғамгин, қайғули.

[5] Намудор — зоҳир, намоён.

[6] Гўшатоб — чолғу қулоғи.

[7] Ханданг — 1) камон ўқи; 2) найза; 3) киприк.

[8] Минқор — тумшуқ.

[9] Куфр — тасаввуфда бу дунё зулмати. Яна: ваҳдатнинг касратда маҳв бўлиши. Ҳақиқий куфр абадий фанодир ҳам дейдилар.

[10] Барҳаман (Бараҳман) — 1) ҳинд ҳакими ва донишманди; 2) бутпарастлар пири ва муршиди.

[11] Мужгон — киприк, мижа. Тасаввуфда маъшуқанинг нозу карашмаси туфайли ошиқнинг кўксига санчилиб, уни яралайдиган ўқ, найза, ханжар кўзда тутилади. Соликнинг валояти, ҳоли ва мартабаси йўлидаги ҳижобга ҳам ишора қилинади.

[12] Мисмор — мих, пона.

Десанг оғзин[1] кўрай, эй ақл, марказ нуқтасин иста,
Вале шарт ушбуким, аввал қуёш даврини паргор[2] эт.

Иморат тарҳидур наълу[3] алифдин ҳар тараф кўксум,
Вафо қасрин қўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра[4], йўл бўртоқ[5],
Бу йўлда салб[6] этиб ўзлук[7] юкин, ўзни сабукбор[8] эт.

Навоий ўлса тиргузгил юзига юз қўюб, яъни
Юзига су уриб, ул уйқусидин они бедор эт.

## ЭЙ НАСИМИ

Эй насими[9] субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул[10], юзи гул, сарви гуландомимға[11] айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бодаошомимға айт.

Ком талху бода заҳру ашк рангин бўлғанин,
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға[12] айт.

---

[1] О ғ и з — суфийлар истилоҳида илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкинали-ги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

[2] П а р г о р — циркуль.

[3] Н а ъ л — тақа, нағал.

[4] Т и й р а — 1) қора, қоронғи, хира, нурсиз; 2) қайғули, ғам-ғуссали.

[5] Б ў р т о қ — паст, баланд, нотекис.

[6] С а л б — тониш, инкор қилиш, йўққа чиқариш.

[7] Ў з л у к — инсоннинг нафс ва дунё билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо йўлидан чалғитади.

[8] С а б у к б о р — юки енгил.

[9] Н а с и м — тонг шамоли, енгил, ёқимли шабада.

[10] С у н б у л — ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, қўнғироқ-симон ва хушбўй ўсимлик. Маъшуқанинг сочи ҳалқа-ҳалқалиги ва муаттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.

[11] Г у л а н д о м — гулбадан, гўзал қоматли, хушбичим.

[12] Х у д к о м — фақат ўз манфаатини кўзловчи, худбин.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди деб,
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ишқида нангу номким[1] тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсинда бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози[2] худ исён эди,
Шамъи раҳмат партави[3] еткайму анжомимға[4] айт.

Йўқ Навоий бедил[5] ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.

## ЁР БОРДИ-Ю...

Ёр борди-ю, кўнглумда анинг нози қолиптур,
Андоққи, қулоғим тўла овози қолиптур.

Кўз хонасини қилди барандохта[6] бу ашк,
Кўз борди вале хонабарандози[7] қолиптур.

Кўнглум қуши то сунбулингиз домига тушти,
Булбул киби ҳар гул сори парвози қолиптур.

Ул қуш сафар айлаб, не тараб гулбунин[8] очқай —
Ким, боғ аро бир сарви сарафрози[9] қолиптур.

Мен ишқ румузин[10] демай ўлдум, сафар этким,
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш[11] рози қолиптур.

---

[1] Н а н г у н о м — ор-номус, обрў-эътибор.
[2] О ғ о з — бошланиш, киришиш, ибтидо.
[3] П а р т а в — нур, ёғду, шуъла, ёруғлик.
[4] А н ж о м — охир, оқибат, натижа; поён, тугаш, интиҳо.
[5] Б е д и л — дилини бой берган, дилсиз, ошиқ, мубтало.
[6] Б а р а н д о х т а — вайрон, қулаган, қўпорилган.
[7] Х о н а б а р а н д о з — уйни бошига кўтарувчи, уйини совурувчи.
[8] Г у л б у н — гул, гул бутаси.
[9] С а р а ф р о з ( С а р ф а р о з ) — юксак, баланд.
[10] Р у м у з ( Р а м у з ) — рамзлар.
[11] Ў к у ш — кўп, анча, талай.

Тақлид қилиб кўнғлума ишқ аҳли[1] чекар оҳ,
Ул борди-ю, эл ичра саровози[2] қолиптур.

Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолиптур.

## ТАЛҚИНЧАИ МУСТАЗОДИ НАВО

Фиғонки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур,
Ниёзу ажз[3] гуноҳиға муттаҳам қиладур.

Наими[4] васлиға хўй[5] айлаган кўнгулларни
Асири ҳажр этибон мубталои ғам қиладур.

Рақиб беҳуда тақрири[6] бирла юз тақсир[7]
Заиф ғамзадалар отиға рақам[8] қиладур.

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида[9] ғам эмас,
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Ўз илги бирла гар ўлтурса бок[10] йўқ, ваҳким,
Рақиб оллида афтодаву[11] дижам қиладур.

Муҳаббат аҳлини, во ҳасратоки, кўп ўртаб,
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос[12] кам қиладур.

Чу гул вафосиз эрур, неча асрасам, ваҳким,
Кўнгул қуши бу гулистондин эмди рам[13] қиладур.

---

[1] Ишқ аҳли — ошиқлар.
[2] Саровоз — овоза.
[3] Ниёзу ажз — муҳтожлик ва ожизлик.
[4] Наим — 1) неъмат; 2) шодлик; 3) жаннат.
[5] Хўй — одат.
[6] Тақрир — тасдиқлаш, баён қилиш.
[7] Тақсир — ишни камчилик билан адо этиш, хато, нуқсон.
[8] Рақам — бу ерда: ёзиш, битиш.
[9] Журм — айб, гуноҳ.
[10] Бок — 1) ваҳм, хавф, қўрқув; 2) зарар; 3) парво; 4) ажаб.
[11] Афтода — заиф, нотавон, эзилган.
[12] Ҳарос — қўрқув.
[13] Рам — чўчиш, ҳуркиб қочиш.

Замона ўқ киби тузларни[1] синдуруб, ёдек[2]
Аларки эгридурур, шаҳға муҳтарам қиладур.

Навоий ўлгай эди бўлмаса умиди висол,
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

## ҲОЖИНИЁЗ — I[3]

Ғаминг ўқики, кўнгуллар уйин нишона қилур,
Менинг чу хокий[4] таним ичра етти, хона қилур.

Лабинг баҳонасиз эл қонини тўкар ҳар дам,
Манга чу етти иш, албатта, бир баҳона қилур.

Кўнгул берурда фусунлуғ[5] кўзига билмас эдим —
Ки, эл ичинда мени оқибат фасона[6] қилур.

Кўнгулда жавҳари[7] пайкониники йиғмиш жон,
Ажаб эмаски, бу вайронани хизона[8] қилур.

Десаки, меҳр гиёҳин кўкартайин гардун,
Замона аҳли вафо кўз ёшини дона қилур.

Ҳалок доми ёяр субҳхез[9] қушлар учун,
Саҳар елики, чаман сунбулини шона[10] қилур.

Насиб булбул учун хори ғамдурур, ул ҳам
Навоий нағмаси бирла магар тарона қилур.

---

[1] Т у з — тўғри, рост.
[2] Ё — ёй, камон.
[3] Бу қўшиқ «Ушшоқ», «Нишона» номлари билан ҳам ижро этилади.
[4] Х о к — тупроқ. Х о к и й — тупроқдан яратилган.
[5] Ф у с у н л и ғ — макрли, найрангли.
[6] Ф а с о н а — 1) афсона, эртак; 2) воқеа, ҳодиса.
[7] Ж а в ҳ а р — 1) гавҳар; 2) асос, моҳият; 3) нодир, ноёб.
[8] Х и з о н а — хазина; сандиқ.
[9] С у б ҳ х е з — саҳарда уйғонувчи.
[10] Ш о н а — тароқ.

## СУВОРАИ МАҚОМИ НАВО

Кўюнг борида қилман[1] жаннатға гузар ҳаргиз,
Қаддинг[2] қошида солман[3] тўбийға[4] назар ҳаргиз.

Ўқунгға кўнгул мойил, мужиб[5] недур, эй қотил —
Ким, ўтканидин бўлмас кўнглумга хабар ҳаргиз.

Бу жисми низор[6] ичра кўнглумни гумон қилманг,
Шохеки қурур, анда ким кўрди самар ҳаргиз?!

Лаълингда малоҳатдин жон комидадур лаззат,
Бу таъм қачон бергай туз бирла шакар ҳаргиз.

Кўнглиға фиғонимдин раҳм ўлмаса, эй булбул,
Гул гунчасиға борму нолангдин асар ҳаргиз?

Пил[7] ўлса сенинг хасминг[8], десангки, зарар топмай,
Бир пашшаға оламда еткурма зарар ҳаргиз!

Махлас[9] тиласанг ғамдин даҳр ичра Навоийдек,
Қуймағасен илгингдин соғарни[10] магар ҳаргиз.

## ИШҚ

Оҳким, ғам тиғидин кўксумни қилди чок ишқ,
Дуди[11] оҳимдин кўзумни айлади намнок[12] ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл қилмади,
Не учун ғам тиғидин кўксумни қилди чок ишқ?

---

[1] Қилман — қилмайман.
[2] Қад (Қомат) — дилнинг ваҳдат оламига таважжуҳ қилиши.
[3] Солман — солмайман.
[4] Тўбий (Тўбо) — жаннатда ўсадиган ранг-баранг мевали ва хушбўй ҳидли серсоя дарахт.
[5] Мужиб — сабаб, боис.
[6] Низор — озғин, заиф.
[7] Пил — фил.
[8] Хасм — душман, рақиб, мухолиф.
[9] Махлас — нажот топиш, қутулиш.
[10] Соғар — май ичадиган идиш, пиёла, жом, қадаҳ. Тасаввуфда ғайб сирларини мушоҳада қиладиган орифнинг қалби. Мастлик ва шавқни ҳам соғардан тилайдилар.
[11] Дуд — тутун.
[12] Намнок — намли, ҳўл.

Ул пари кўйидаким, ҳар лаҳза юз минг бош борур,
Судрабон элтур мени девонани бебок ишқ.

Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгнунг кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташпорани[1],
Оллоҳ-Оллоҳ, барқ[2] ила ўйнайдурур хошок ишқ!

Ишқ водийсиға кирган ёнки, андин ҳар қуюн —
Ким, чиқар саргаштаедурким[3], қилибдур хок ишқ.

Эй Навоий, ошиқеким, сен киби истар фароғ[4],
Гар эрур мажнунки, ул қилмайдурур идрок ишқ.

## ТОНГ НАСИМИ

Тонг насимин сойир[5] эткан гулъузоримдур менинг,
Секретиб майдонға кирган шаҳсуворимдур[6] менинг.

Гард эмас, гирдинда балким кўрмасун деб эл кўзи,
Волиҳу[7] саргашта жони хоксоримдур[8] менинг.

Маркабининг[9] наълидин ҳар дам чоқилған — ўт эмас
Ким, кўнгул отлиғ заифи беқароримдур менинг.

Баски, телмурди кўзум киргайму деб майдон аро,
Кўз қароси йўқки, доғи интизоримдур менинг.

Ул баҳори ҳусн минган қатраафшон[10] бодпой[11]
Гулшани айш очқали абри[12] баҳоримдур менинг.

---

[1] О т а ш п о р а — чўғ, чўғ парчаси.
[2] Б а р қ — яшин, чақмоқ.
[3] С а р г а ш т а — боши айланган, сарсон, овора.
[4] Ф а р о ғ — тинчлик, хотиржамлик, фароғат.
[5] С о й и р — кезувчи, сайр қилувчи.
[6] Ш а ҳ с у в о р — 1) чавандоз; 2) маҳбуба.
[7] В о л и ҳ ( В о л а ) — ошиқ, шайдо, асир, мубтало.
[8] Х о к с о р — тупроққа тенг, хор, паст.
[9] М а р к а б — улов, миниладиган ҳайвон.
[10] Қ а т р а а ф ш о н ( Қ а т р а ф и ш о н ) — қатра сочувчи, зар сочувчи.
[11] Б о д п о ( й ) — шамолдек елувчи учқур от.
[12] А б р — булут.

Чобуки меҳр ўлди бемеҳру ҳарун[1] — кўк тавсани[2],
Тутманг отинким, эшитмак они оримдур менинг!

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон жавҳарин,
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.

## ОЧИЛМАДИ КЎНГЛУМ

Баҳор бўлди-ю, гул майли қилмади кўнглум,
Очилди ғунчаю лекин очилмади кўнглум.

Юзунг хаёли ила вола эрдим андоққим,
Баҳор келгану кетганини билмади кўнглум.

Гум[3] ўлди боғда оғзинг хаёлидин, юз ваҳ —
Ки, ғунчалар аро истаб, топилмади кўнглум.

Кўзумда жилва қилиб, кўнглум олмоқ истади гул,
Итинг изича ани кўзга илмади кўнглум.

Юзунг назорасида масту маҳв[4] эди, яъни —
Ки, гул чоғида замоне ойилмади[5] кўнглум.

Замона гулбунида ғунчадекдур эл кўнгли,
Аларға, шукрки, боре[6] қотилмади[7] кўнглум.

Навоий, ғунча тилаб, кўнглум огзин этти ҳавас,
Агарчи топмади, лекин ёнгилмади[8] кўнглум.

---

[1] Ҳ а р у н — ўжар, қайсар, саркаш.
[2] Т а в с а н — 1) арғумоқ, ўйноқи от; 2) шўх, асов, саркаш.
[3] Г у м — йўқолиш, ғойиб.
[4] М а ҳ в — йўқолиш, йўқ бўлиш.
[5] О й и л м а д и — айрилмади.
[6] Б о р е — бу ерда: ҳеч, бирор марта.
[7] Қ о т и л м а д и — қўшилмади.
[8] Ё н г и л м а д и — умидини узмади.

## КЕЛСА ЖОНОНИМ [1]

Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним[2],
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин[3] доғи пинҳоним.

Ғамидин дурри макнундек[4] сиришким оқти Жайҳундек[5],
Музайян[6] қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним[7].

Фалак ҳам тўлди кавкабдин[8], қуёш ҳам тушди ашҳабдин[9],
Келиб тушмасму маркабдин менинг хуршиди рахшоним[10].

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ,
Манга бўлсанг не Хизри раҳ[11], етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Қуёш қочиб — юзин уйди, шафақ ўтқа тушуб — куйди,
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сўзи[12] пинҳоним.

Навоий киби ҳижрондин бу оқшом ўлдум афғондин,
Ғамим йўқ бўйла[13] юз жондин, етиб гар келса жононим.

---

[1] Бу қўшиқ «Тун оқшом» номи билан ҳам ижро этилади.
[2] Гирибон — ёқа.
[3] Ёра — яра, жароҳат.
[4] Дурри макнун — садаф ичидаги қимматбаҳо дур.
[5] Жайҳун — Амударё.
[6] Музайян — безанган, зийнатланган.
[7] Ғалтон — думалоқ.
[8] Кавкаб — юлдуз, сайёра.
[9] Ашҳаб — оқ, оқиш бўз от.
[10] Хуршиди рахшон — порлоқ қуёш; мажозан: маъшуқа.
[11] Раҳ (Роҳ) — йўл. Хизри раҳ — раҳнамо.
[12] Сўз — ёниш, куйиш; оташ, аланга.
[13] Бўйла — бундай, бунақа, бу каби, шунчалик.

## ТАРОНАИ НАСРИ САРАХБОР — I

Висол тухмини эктим, фироқ[1] бар топтим,
Вафо ниҳолини тиктим, жафо самар топтим.

Муҳаббат ўтики, ёқдим висол шамъи учун,
Ўзумни оқибат ул ўтдин-ўқ шарар топтим.

Мен ашк бирла юдум[2] гайр нақшини[3] кўздин
Валек ғайрға-ўқ ёрдин назар топтим.

Умид баҳрида ҳар неча ғўтаким[4] урдум,
Садаф[5] кўзумдину кўз ёшидин гуҳар[6] топтим.

Дедим: бу рамзни англай вале хирад[7] пирин
Бу нукта кайфияти ичра бехабар топтим.

Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ[8],
Адам[9] вилоятидин нари юз хатар топтим.

Навоиё, кеча-кундуз хату юзини тилаб,
Шабона[10] навҳа[11] била нолаи саҳар топтим.

## САРАХБОР

Не ул қулоққа етар, арзи ҳол адо қилсам,
Не ул кўнгулга ёқар, нақди жон фидо қилсам.

Кўнгул шикофиға[12] ул кўй[13] туфроғи қаниким,
Бу хушкдору[14] ила захмима[15] даво қилсам.

---

[1] Ф и р о қ — айрилиқ, жудолик.
[2] Ю д у м — ювдим.
[3] Н а қ ш — бу ерда: сурат, тасвир.
[4] Ғ ў т а — сувга шўнғиш.
[5] С а д а ф — ичида гавҳар етиладиган ҳуққа.
[6] Г у ҳ а р — гавҳар.
[7] Х и р а д — ақл, идрок.
[8] Қ а т ъ қ и л м о қ — босиб ўтмоқ.
[9] А д а м — йўқлик.
[10] Ш а б о н а — кечаси, кечалик.
[11] Н а в ҳ а — нола, йиғи-сиғи.
[12] Ш и к о ф — 1) ёриқ, дарз; 2) жароҳат.
[13] К ў й — 1) кўча, йўл; 2) маслак, мазҳаб, йўл.
[14] Х у ш к д о р у — қуруқ дори, яъни тоза тупроқ.
[15] З а х м — яра, жароҳат.

Керак қуёш дирами[1] танга бўлса байъона[2],
Чу Юсуфумни[3] ики даҳрга баҳо қилсам.

Фиғонки, ишқ чекар боғлаб ани бўйнумға,
Нечаки зуҳду вараъ[4] пардасин ридо[5] қилсам.

Кўзумга даҳрни ҳар лаҳза тийрароқ айлар,
Саводи холингга ҳар неча кўз қаро қилсам.

Ишим чу савмаа[6] шайхи била тузалмади, кош —
Ки, эмди майкада пириға[7] илтижо қилсам.

Навоиё, чу сабо ҳамнафасдур ул гулга,
Не бўлди — сарсари[8] оҳимни гар сабо қилсам.

## ЎЛМАСУН

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур[9] ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.

Мен бўлай оввора то ишқимдин айлаб гуфтугў[10],
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур[11] ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё Раб, ул миқдор қил —
Ким, анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур[12] ўлмасун.

---

[1] Дирам (Дирҳам) — танга, кумуш танга.

[2] Байъона — баҳо, қиймат; бай пули.

[3] Маълумки, Юсуф алайҳиссаломни ўгай акалари арзимас тангага мисрлик савдогарга сотиб юборадилар — бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

[4] Вараъ — тақво, парҳезкорлик, художўйлик.

[5] Ридо — уст кийим, ёпинчиқ.

[6] Савмаа (Сўмиа) — насронийлар ибодатхонаси; дайр.

[7] Майкада (Майхона) пири — тариқат пири, маънавий-руҳоний раҳбар.

[8] Сарсар — кучли ва совуқ шамол, бўрон, довул.

[9] Маҳжур — айрилган, йироқ, маҳрум.

[10] Гуфтугў — суҳбат, гаплашиш.

[11] Мазкур — 1) тилга олиш, зикр қилиш; 2) гап-сўз бўлган, одамлар оғзига тушган, машҳур.

[12] Мақдур — қувват ва имконига мувофиқ.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки, бордур покбоз[1],
Навҳа тортиб, мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун!

Кечалар ул ғул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда махмур[2] ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.

## ДУГОҲИ ҲУСАЙН — IV

Дема меҳнат тоғининг Фарҳоди саргардонимен,
Тоза юз минг доғ ила ул қулланинг[3] қаплонимен[4].

Ламъаи рухсоридин парвонадек куйсам, не тонг,
Менки йиллар ул малоҳат шамъи саргардонимен.

Ҳуснунгга ҳайрон эсам, келмас улус ҳайронлиғи,
Кимки ҳайронинг эмастур, мен анинг ҳайронимен!

Мен ўлар ҳолатдаву жон қасди айлар ул пари,
Одамийлиғ кўргузурким, бир нафас меҳмонимен.

Гар кўнгул бузди мени, ёр эрди боис, шукрким,
Чуғзнинг[5] йўқ, бир малоҳат ганжининг вайронимен.

Дайр пири тутса май, нўш этсам[6] эрмас айбким,
Заҳр агар ич дерким, анинг бандаи фармонимен.

Телбаликдин ақл сори истамиш зоҳид мени,
Эй Навоий, мунча нодон билмас эрдим они мен.

---

[1] П о к б о з — беғараз ошиқ.
[2] М а х м у р — маст, хумор. М а х м у р л и к — бехудлик мартабаси.
[3] Қ у л л а — чўққи, тоғ чўққиси.
[4] Қ а п л о н — қоплон.
[5] Ч у ғ з — бойқуш, бойўғли.
[6] Н ў ш  э т м о қ ( қ и л м о қ , а й л а м о қ ) — ичиш.

## НАСРИ САРАХБОР

Киришк қонин оёғинг учун ҳино қилайин,
Қабул тушса, қароғим[1] эзиб, қаро қилайин.

Ақиқ лаълинга жон жавҳарин нисор айлай,
Саводи холингға кўз мардумин фидо қилайин.

Қаро менгинг[2] била қаддинг хаёли келса, ватан
Мунга кўз ичра ясай, анга жон аро қилайин.

Қадингки, соя солиптур, ўлай анга, яъни —
Ки, ишқ илмин алифбедин ибтидо[3] қилайин.

Лабини қасдима тишлар юзига телмурсам,
Боқиб туруб неча ўз жонима жафо қилайин.

Кўнгул қушиким, эрур жилвагоҳи[4] гулшани қудс[5],
Бу домгоҳда[6] недин ани мубтало қилайин?

Навоиё, ғамим аҳли вараъдин[7] ўлмади кам,
Қуй эмди, майкада пирига илтижо қилайин.

## НАСРИ УЗОЛ

Юзунгда май гули ё гул очилган бўстондур бу,
Гулунгда қатра хай[8] бўстондағи сувдин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлағон эрмас ҳамоноким,
Назар боғида шавқунгдин очилғон аргувондур[9] бу.

---

[1] Қ а р о ғ — кўз қорачиғи.
[2] М е н г — хол.
[3] И б т и д о — бош, аввал.
[4] Ж и л в а г о ҳ — жилваланиш жойи, намоён бўлиш ўрни.
[5] Қ у д с — пок, муқаддас.
[6] Д о м г о ҳ — ов учун тузоқ қўйилган жой; мажозан: бу дунё.
[7] А ҳ л и в а р а ъ — тақводорлар, парҳезкорлар.
[8] Х а й — тер томчиси.
[9] А р ғ у в о н — гуллари ниҳоятда қизил бўладиган дарахт; мажозан: қизил ранг.

Эмас враслинг тилаб учқон кўзум атрофида кирпик —
Ким, ул дарёи қушларға қамишдин ошёндур бу.

Кўнгулдин чиққон оҳим айлар афзун[1] халқ савдосин —
Ки, шайдолиқ диёридин етишган корвондур бу.

Қизил раглар[2] кўзумда кўрган англар ашк селинким,
Оқарға келган ул йўллар била ҳар сори қондур бу.

Лабиндин хастадур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ, ўтким,
Иложин юз сенингдекнинг беганмас нотавондур бу.

Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам
Бошингға эврулур саргаштаи бехонумондур бу.

Кўнгул майхона роми, хотирим хуш май батидинким[3],
Мунга Руҳ ул-аминдур[4] ул, анга дор ул-амондур[5] бу.

Дема, ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим,
Ул ой фарёдингга етмас, Навоий, не фиғондур бу?

## ЖОНДА ЖОНПАРВАР СЎЗИДУРМУ[6]

Жонда жонпарвар сўзидурму лаби хандониму?
Руҳум ороми дейинму они, жоним жониму?

Кўнглум ичра нешларким[7], санчилибдур англамон:
Ништари мужгонидурму новаки[8] пайкониму?

Эй кўнгул, олам бузарда қай бири ортуғ экин:
Нуҳ тўфониму[9] ашким селининг туғёниму?

---

[1] Афзун (Фузун) — кўп, ортиқ, зиёда; афзал.
[2] Раг — томир, пай.
[3] Бат — ўрдак. Май бати — ўрдак шаклидаги май идиши.
[4] Руҳ ул-амин — Жаброил фаришта.
[5] Дор ул-амон — тинчлик ва осойишталик макони.
[6] Бу қўшиқ «Эй насими» номи билан ҳам ижро этилади.
[7] Неш — 1) тикан; 2) ўткир нарсанинг учи; 3) найза; 4) азоб.
[8] Новак — 1) ўқ; 2) киприк.
[9] Маълумки, Нуҳ алайҳиссалом ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Аллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Ундан фақат Нуҳ пайғамбарга эргашганларгина омон қоладилар. Бу ерда шу воқеага ишора қилиняпти.

Жон олурда қайсининг саъб[1] эрканин шарҳ айлайин:
Ишқининг бедодиму ё шиддати ҳижрониму?

Неси ул гулнинг Эрам[2] гулзоридин ортуқ эмас:
Жилва айлар сарвиму ё ғунчаи хандониму?!

Эйки, бердинг даҳр шўхига кўнгул, қатлинг учун
Ишваи пайдосиму йўқ, офати пинҳониму?

Қатл қилдилар Навоийни ва лекин билмадим,
Кўнглин олдурмоқму эрди, ё кўнгул олғониму?

## ЧАПАНДОЗИ НАВО

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулған рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,
Тилармен топмағайлар тўтиёлиқға ғуборимни.

Шак эрмас партаве тушкач, уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадойи сермагай шамъи мазоримни.

Деманг, қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир
Қазо[3] илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний[4] юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни!

---

[1] С а ъ б — қийин, оғир.

[2] Э р а м — афсонавий гўзал боғ. Ямандаги Од қавмининг ҳукмдори Шаддод ер юзида жаннат яратиш даъвоси билан уни бунёд этган эмиш.

[3] Қ а з о — тақдир, қисмат. Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларни келажакда қандай бўлишини азалдан билиши.

[4] З а ъ ф а р о н — сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; мажозан: сариқ ранг.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўрғай
Бағир парголасидин[1] қонға булғанган узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен[2] асру[3], эй соқий,
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни!

Жаҳон таркини қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

## САРПАРДА[4]

Эврулай[5] бошингғаву беҳушу ҳайронинг бўлай!
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай!

Хони[6] васлингдин агар қовса рақибинг, рағмиға[7]
Кўнглум истардек тахайюл[8] бирла меҳмонинг бўлай!

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,
Кўзу зулфунгдин неча масту паришонинг бўлай!

Хуштурур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,
Неча, жоно, мубталои доғи ҳижронинг бўлай?

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин —
Ким, қуюндек садқаи сарви хиромонинг бўлай!

Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,
То бошингға эврулурга гарди майдонинг бўлай!

Эй Навоий, гунгу лол истар эсам, тонг йўқ, сени,
Тобакай[9] озурдаи фарёду афғонинг бўлай?

---

[1] П а р г о л а — парча-парча.
[2] С а р г а р о н — гангиган, довдираган, боши айланган, маст.
[3] А с р у — кўп, ортиқ, зиёда.
[4] Бу қўшиқ «Каримқулибеги» куйи билан ҳам ижро этилади.
[5] Э в р у л м о қ — айланмоқ, ўргилмоқ.
[6] Х о н — 1) дастурхон; 2) ризқ, таом.
[7] Р а ғ м — бирор кишининг хоҳишига қарши иш қилиш.
[8] Т а х а й ю л — хаёл, тасаввур.
[9] Т о б а к а й — қачонгача.

## ФИДО

Кўзунгга тани нотавоним фидо!
Равонбахш[1] лаълингга жоним фидо!

Лабинг ранги оллида қоним сабил,
Қадинг жилвасиға равоним фидо!

Белу[2] оғзинг олди тану жонниким,
Анга ошкору ниҳоним фидо!

Бағир лаъли, кўз дурри оллингда сарф,
Демайким, санга баҳру коним фидо!

Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси —
Ки, оллингда яхши-ёмоним фидо!

Фано даштида қани овворалиғ —
Ким, ул сайрға хонумоним фидо!

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам
Санга айлай, эй дилситоним, фидо!

## ЖОНОНИМҒА АЙТ

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға[3] айт.

Буки, анинг аҳду паймонида мен ўлсам дағи
Яхши фурсат топсанг, ул бадаҳду паймонимға[4] айт.

Буки, анинг зулфи зуннорида диним ҳосили
Куфр ила бўлмиш мубаддал[5], номусулмонимға айт.

---

[1] Равонбахш — жонбахш.

[2] Бел — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка (қилдай) бел — бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлиги. Соликнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади.

[3] Гулбарги хандон — янги очилган гул барги; мажозан: навниҳол маҳбуба.

[4] Бадаҳду паймон — ваъдаси ёлғон, бевафо.

[5] Мубаддал — алмашинган, айрибошланган.

Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки, юз жон садқаси қилсам, пушаймон бўлмағум,
Васлиға бир ваъда қилғандин пушаймонимға айт.

Буки, юз минг фитнакўзлук бўлса пайдо, онсизин
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға[1] айт.

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин
Юзи — гул, жисми — суман[2], кўйи — гулистонимға айт.

Эй, Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға[3] айт.

## АБДУРАҲМОНБЕГИ — III

Икки кўзумки, дарду бало жўйборидур[4],
Оҳим бухори[5] устида абри баҳоридур.

Ушшоқ тийра ахтари[6] ҳар ён шафақ аро
Гўё сипеҳр сабзасининг[7] лолазоридур.

Билмай, дединг, узулмиш экан субҳаи[8] ақиқ[9],
Лаълинг ғамида қон киби ашким қаторидур.

---

[1] Фаттон — фитна солувчи, мафтун қилувчи, жозибали.
[2] Суман (Ёсуман) — ёсмин гули, хушбўй оқ гул.
[3] Сухандон — сўзни нозик тушунувчи, сўз устаси, шоир, адиб.
[4] Жўйбор — ариқ, сой.
[5] Бухор — дуд, тутун, буғ.
[6] Ахтар — юлдуз.
[7] Сабза — кўкат, майса, яшиллик.
[8] Субҳа — тасбеҳ.
[9] Ақиқ — қизил рангли қимматбаҳо тош. Маъшуқанинг чўғдай лаби ва қизил майнинг сифати бўлиб келади.

Ғам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,
Пайкону бори ҳажринг анинг баргу боридур[1].

Ҳар кимки, Юсуфум ғамидин ўлди дашт аро,
Ҳар тун магар бўри кўзи шамъи мазоридур.

Бу дашт туфроғин дема мушкинки[2], ҳар овуч
Бир мушкбў[3] ғизола тани хоксоридур.

Бергил тутуб пиёла Навоийға руҳким,
Жонин етурган оғзига лаълинг хуморидур.

## ТАРАҲҲУМ ҚИЛМАДИНГ

Кўруб дардим, тараҳҳум[4] қилмадинг ҳеч,
Тўкуб ашким, табассум қилмадинг ҳеч.

Фироқинг ўти ичра неча йиғлаб
Фиғон чектим, тараҳҳум қилмадинг ҳеч.

Жаҳонға оҳу ашким солди ошуб,
Бу тўфондин таваҳҳум[5] қилмадинг ҳеч.

Сўзунг[6] шавқидин[7] эрдим хаста умре,
Сўрарға бир такаллум қилмадинг ҳеч.

Мусаллам[8] ишқ, эй кўнглум, сенгаким,
Кўруб зулмин, тазаллум[9] қилмадинг ҳеч.

---

[1] *Бор* сўзи бу мисрада аввал *йўқ*, кейин *мева* маъносида келяпти.
[2] М у ш к и н — мушк ҳидли, хушбўй.
[3] М у ш к б ў ( й ) — мушк ҳидли, хушбўй.
[4] Т а р а ҳ ҳ у м — раҳм қилиш, шафқат этиш.
[5] Т а в а ҳ ҳ у м — ваҳимага тушиш, қўрқиш.
[6] С ў з — тасаввуф истилоҳида илоҳий ишоралар ва огоҳликлар.
[7] Ш а в қ — Ҳақ ва солик ўртасидаги яқинликнинг кучайиши, иштиёқ ва истак ғалаботидан қалбнинг сурурга тўлиши.
[8] М у с а л л а м — тобеъ бўлган, таслим бўлган.
[9] Т а з а л л у м — зулм кўриш; шикоят.

Муҳаббат аҳли қисмин невчун, эй чарх,
Қилиб меҳнат, танаъум[1] қилмадинг ҳеч.

Навойи сори, эй даври мухолиф[2],
Наво савтин[3] таранну м қилмадинг ҳеч.

## НЕ ЛЎЛИВАШДУР...

Не лўливашдур[4] ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар[5],
Қиё боқмоқлари — поки[6], итик[7] мужгонлари — ништар.

Юзидинким хижилдур гул, паришон ҳар тараф кокул,
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур[8] уза анбар[9].

Югурмакликда ҳар гунбадки[10], секрер ул маҳи гулхад[11],
Гули меҳр олдорир беҳад, уёлур гунбази ахзар[12].

Чу лаъб[13] асбобини тузди, саломат риштасин узди,
Қамардек[14] ҳола[15] кўргузди узори давридин чамбар[16].

Либоси нози часпондур[17], гаҳи туз қадди чавгондур,
Замоне гўйи ғалтондур, зиҳи[18] чобук, зиҳи дилбар.

---

[1] Т а н а ъ у м — баҳраманд бўлиш.
[2] М у х о л и ф — зид, қарши; душман.
[3] С а в т — 1) куй, оҳанг; 2) овоз, товуш.
[4] Л ў л и в а ш — лўлига ўхшаган; мажозан: гўзал, шух.
[5] Я к с а р — 1) якка, танҳо; 2) ҳамма, бутун; 3) бошдан-оёқ.
[6] П о к и — устара; пичоқ.
[7] И т и к — тез, ўткир.
[8] К о ф у р — 1) оқ хушбўй модда; 2) оқ, оқлик.
[9] А н б а р — кўпроқ Ҳинд ва Тинч уммонларидаги анбар балиғи (кашалот)нинг ошқозон ёки ичагида ҳосил бўладиган мумсимон кулранг ва хушбўй модда.
[10] Г у н б а д — гумбаз.
[11] Г у л х а д — гул юзли, гўзал.
[12] А х з а р — кўк, яшил.
[13] Л а ъ б — шодлик, хурсандчилик, айшу ишрат.
[14] Қ а м а р — ой.
[15] Ҳ о л а — қуёш ва ой атрофидаги гардиш.
[16] Ч а м б а р — 1) доира, чамбарак, ҳалқа; 2) банд, каманд.
[17] Ч а с п о н — ёпишиб, ярашиб турадиган (кийим).
[18] З и ҳ и — 1) гўзал, ёқимли; 2) қандай яхши, офарин; 3) жуда, ...иш, худди ўзи.

Бошиға сийм ўлуб паррон[1], тушуб гирдиға анжумсон[2],
Тулуъ[3] эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

Тўкуб қон неши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,
Олиб таблу алам[4] бирла кўнгуллар кишварин яксар.

Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,
Паридек бўлғали парранда[5] ул шўхи парипайкар.

Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хуш,
Қани бир жоми лўликашки[6], лўли тутса бир соғар.

Тамаъ қилма фалакдин комким, ханжар қилур ошом[7]
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар[8].

## ЧОРЗАРБ

Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек,
Душман доғи қайда бор сендек.

Эй хаста кўнгул, санга керак васл,
Йўқ ҳажрида чунки зор сендек.

Не ишқ аро хоксор мендек,
Не ҳусн аро шаҳсувор сендек.

Гулгун тўн уза қора чу раг нақш,
Очилмади лолазор сендек.

Гар дайри фанода жом чексанг,
Йўқ шоҳи Жам иқтидор сендек.

---

[1] Паррон — учувчи, учиб кетаётган.
[2] Анжумсон — юлдуз каби.
[3] Тулуъ — чиқиш, кўриниш (ой, қуёш).
[4] Таблу алам — ноғора ва байроқ.
[5] Парранда — қуш; бу ерда: учувчи, учаётган.
[6] Лўликаш — бу ерда: лўлидай ўзига тортадиган қадаҳ.
[7] Ошом — ичиш, ейиш.
[8] Бозигар — фирибгар, ҳийлагар, алдамчи.

Эй кўз, тўкасен хумордин қон,
Ул наргиси[1] пурхумор[2] сендек.

Йўқ зулфиға тушкали, Навоий,
Ошуфтаи рўзгор сендек.

## ТАЛҚИНИ УЗОЛ

Эй муганний, ёр базмида наво соз айласанг,
Жон фидонг ўлсун ғамим шарҳидин оғоз айласанг.

Уддек[3] куймаклигим шарҳ эт лисони[4] ҳол[5] ила,
Нағмада удунг лисонин сеҳрпардоз[6] айласанг.

Ўзга оламдин хабар деб бизни тиргуздунг, не тонг,
Бу рисолат[7] бирла гар изҳори эъжоз[8] айласанг.

Розим ар[9] созинг лисонидин баъид ул-фаҳм[10] эса,
Анга руҳафзо[11] унунгни доги ҳамроз[12] айласанг.

Отланиб, бошимни рахшингнинг[13] аёғи остиға
Тиғ бирла солғудек масти сарандоз[14] айласанг.

---

[1] Н а р г и с — бутакўз; мажозан: маъшуқанинг кўзи. Тасаввуфда амал орқали қўлга киритиладиган илмнинг натижасидан шоду хуррамлик сифатида тушунилади.

[2] П у р х у м о р — нозу жозибага тўла чиройли кўз.

[3] У д — Ҳиндистон ва Бирмада ўсадиган, новдалари қаҳваранг ва хушбўй дарахт. Хушбўй ҳид таратиши учун уни манқалга солиб тутатадилар.

[4] Л и с о н — тил, нутқ.

[5] Ҳ о л — тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида соликнинг пок қалбида порлаб, уни руҳий камолотга олиб борадиган илоҳий файз.

[6] С е ҳ р п а р д о з — сеҳр қилувчи.

[7] Р и с о л а т — 1) нома, мактуб; 2) пайғамбарлик, элчилик.

[8] Э ъ ж о з — мўъжиза кўрсатиш, (бошқаларни) ожиз қолдириш.

[9] А р — *агар* боғловчисининг қисқартирилган шакли.

[10] Б а ъ и д у л-ф а ҳ м — тушуниш қийин, англаш мушкул.

[11] Р у ҳ а ф з о — жонбахш.

[12] Ҳ а м р о з — сирдош, яқин дўст, улфат.

[13] Р а х ш — чопқир от.

[14] С а р а н д о з — 1) боши қуйи; 2) эпчил, шижоатли, ботир.

Парда ёп роз узраву дохил бўл ушбу базм аро —
Ким, эрур хориж агар бепарда пардоз айласанг.

Чекмадинг лаҳне[1] Навоий кўнглун истаб, айб эмас,
Англаб ўзунгни, наво аҳлиға шаҳноз[2] айласанг.

## УФОРИ БАЁТ

Ўртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам,
Қўзғалур олам ўкурмак бирла фарёд айласам.

Емрулур бошимға гўёким фалак ғамхонаси,
Ул қуёш ҳамхонам эрканни қачон ёд айласам.

Ҳажр бийми[3] чун етар, ғамгин қилур беихтиёр,
Васл умиди бирла кўнглумни неча шод айласам.

Чарху анжумдин куюбмен, айб эмас, гар оҳ ила
Бу неча ахгар[4] била ул кулни барбод айласам.

Дафъ этай дермен жаҳондин ашк ила ғам туфроғин,
Бу бузуғни сайл ила истармен обод айласам.

Салтанатдин бода ортуқдур манга юз қатлаким,
Хушроқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам.

Эй Навоий, ҳажр аро етти ажал, қилғайму сабр
Ул Масиҳо ваъдаи васлини миод[5] айласам.

## НАВРЎЗИ САБО

Тирик қолсам гар ўзни базми васлинг ичра солғаймен,
Фироқинг шиддатин деолмасам, худ йиғлай олғаймен.

Қабо[6] бир қатла васли хилватида мени, эй гардун,
Неча ҳижрони зиндонида ул ойининг қаболғаймен.

---

[1] Л а ҳ н — товуш, овоз; 2) ашула, наво, оҳанг.
[2] Ш а ҳ н о з — куй номи.
[3] Б и й м ( Б и м ) — хавф, қўрқинч, ваҳима, таҳлика.
[4] А х г а р — лахча чўғ, олов.
[5] М и о д — ваъдалашган жой, ваъда вақти.
[6] Қ а б о — қамагин.

Жунун тоши бошингға ёғди, деб таън этма, эй носиҳ,
Тасаввур қилмаким, бу сарзанишлардин[1] уёлғаймен.

Нигоринг гар борур, бот[2] келгусидур, ема ғам, дерсиз,
Ҳамоно соғинурсизким[3], мен ул келгунча қолғаймен?

Мени даврон бузубтур, сиз ясай олмассиз, эй аҳбоб[4],
Менга не журм, азалдин чун бузуқ мундоқ ясолғаймен.

Агар аҳбоб теъдодин[5] қилурсиз, бўлмоғум сонда,
Манга бас бу шарафким, итлари ичра санолғаймен!

Сабуҳи васл аро тут бир қадаҳ, эй соқийи даврон,
Неча ҳижрон туни махмурлиқ бирла қийнолғаймен.

Ўлармен ё етармен мақсадимға — ёнмоқ[6] имкон йўқ,
Бадан заъфи била йўл шиддатидин гарчи толғаймен.

Кўнгул уздум, Навоий, кўйи тавфидин[7], не тонг, эмди
Эришса итлари, ул кўй аро кўнглумни солғаймен.

## МУҲАББАТ ДАШТИ

То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият[8] келса ишқ ошубидин, бечорамен.

Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон[9],
Бўйлаким, ишқу жунун саҳросида овворамен.

Қайси захмимға қилурсен чора, чун мен, эй рафиқ,
Тийрборони[10] балиятдин саросар[11] ёрамен.

---

[1] С а р з а н и ш — маломат, таъна, озор.
[2] Б о т — тез, зуд.
[3] С о ғ и н м о қ — бу ерда: ҳисобламоқ, ўйламоқ.
[4] А ҳ б о б — дўстлар, қадрдонлар.
[5] Т е ъ д о д — ҳисоб, миқдор, санаш.
[6] Ё н м о қ — қайтмоқ.
[7] Т а в ф — айланиш, зиёрат.
[8] Б а л и я т — бало, мусибат, машаққат, азоб.
[9] Т о п м а м о н — топмайман.
[10] Т и й р б о р о н — ўқ ёмғири.
[11] С а р о с а р — бошдан-оёқ.

Оҳ дуди ичра бир учқун киби кўрган мени,
Билдиким, ҳижрон тунига кавкаби сайёрамен.

Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаву булбулға чун ҳамкорамен[1].

Эй харобот аҳли[2], гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки, сиз — майхора[3], мен — хунхорамен[4].

Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,
Ит киби мен эришиб[5] ул корвонни борамен.

## ЎРТАМА

Ваъда айлаб васл, жисми нотавоним ўртама,
Келмагунгдур, интизор ўтиға жоним ўртама.

Ишқ ўтининг ўртари басдур, яна жоним аро
Доғи ҳижрон ҳар даме номеҳрибоним ўртама!

Жонни олдинг, солма охир нотавон жисмимға ўт,
Нақд чун яғмоға борди, хонумоним ўртама!

Новакингнинг касратиндинким[6], найистондур[7] кўнгул,
Ўт олиб кирма қошимға, найситоним ўртама.

Жонима ўт солди ишқинг, бал[8] жаҳоним ўртади,
Раҳм этиб, мундин нари жону жаҳоним ўртама!

---

[1] Ҳ а м к о р а — шерик.
[2] Х а р о б о т а ҳ л и — риндлар.
[3] М а й х о р а — кўп май ичувчи; мажозан: маст гўзаллар.
[4] Т а ъ ж и л — тез, шошилинч.
[5] Э р и ш и б — эргашиб.
[6] К а с р а т — кўплик, мўллик.
[7] Н а й и с т о н — қамишзор, кейинги мисрада вазн талаби билан бу сўз найситон шаклида ёзилган.
[8] Б а л — балки, эҳтимол; ҳатто.

Ҳар нафас куйдурма ўт бирла, эй гардун, мени
Куйдурурга ҳар дам айлаб имтиҳоним, ўртама.

Қилма нисбат хўблар[1] сори Навоийдек мени,
Туҳмат айлаб ҳар замон, эй бадгумоним, ўртама.

## КОШКИ

Очмағай эрдинг жамоле оламоро кошки,
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилваси[2] оламға солди рустахез[3],
Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки!

Бўлмағай эрди кўзум ўтлуқ юзунг кўрган замон
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,
Қилмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Тушмагай эрди фирибомез[4] лутфунг билмайин,
Нотавон кўнглумга вaслингдин таманно[5] кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин талабгор айлабон
Қилмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Бевафолиғ англағач, ишқингни кўнглум тарк этиб,
Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмдиким, девонаю расвои олам ўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас, не фойда,
Нечаким десанг агар ёхуд магар ё кошки?

---

[1] Хўблар — 1) гўзаллар; 2) яхшилар.
[2] Жилва — солики ориф дилида порлаб, уни волаю шайдо этадиган нур.
[3] Рустахез — ғавғо, тўполон.
[4] Фирибомез — фириб омухта, макр аралаш.
[5] Таманно — истак, умид; мақсад.

## ИШҚ АРО

Ишқ аро ҳолимға бир ҳамдам тараҳҳум қилмади,
Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.

То ул ой ағёр[1] ила нўш айлади жоми висол,
Қайси ҳижрон нешиким, багрим аро санчилмади.

Не ажаб, гар билмасам ҳолимни бу ғамдинки, ёр,
Ўлгали еттим ғами ишқида — ҳолим билмади.

Қон ёшимнинг саргузаштин ким ёшурсун эмдиким,
Қолмади ерким, бу рангин можаро айтилмади.

Ҳусн боғидин вафо варди таваққуъ қилмангиз —
Ким, бу гулшан гулбунида бўйла гул очилмади.

Ишқим ихфосини[2], ваҳким, қилмадим ҳаргиз хаёл,
То ул ойнинг ҳуснидек олам аро ёйилмади.

Эй Навоий, сендин ўту су ародур халқким,
Ёғмади ашкинг суйи то оҳ ўти чоқилмади.

## БАЁТ — III

Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор —
Ким, солодур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушкан хор-хор.

Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,
Нега зулфунгни паришонлиғдин айлар тор-тор?

Сен қуёш бирла муносибсен уюнда, хўблар
Икки-икки чунки киргайлар отошиб[3] ёр-ёр.

Қўрқарамким, бўлмағай озурда нозук қоматинг,
Эгнингга хуш-хушки солмиш жаъди[4] анбарбор[5] бор.

---

[1] А ғ ё р — бегоналар, рақиблар, душманлар.
[2] И х ф о — яшириш, сир тутиш.
[3] О т о ш и б — айтишиб.
[4] Ж а ъ д — жингалак соч.
[5] А н б а р б о р — анбар ёғдирувчи, ёқимли ҳид таратувчи.

Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини,
Журми ишқимға магар ҳукм айлади дилдор дор.

Ишқ эрур андоқ мураббийким, қилур еткач асар,
Булбул ўлғай, очса юз бир сарви гулрухсор сор[1].

Эй Навоий, бўлди ул бут кофири оташпараст,
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар урса жонингга зуннор нор[2].

## ЎЙНАР

Зулфунг очилиб, орази дилжў[3] била ўйнар,
Ҳиндубачае[4] шўхдурур, су била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,
Бир тифлдур[5], алқиссаки[6], кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин[7],
То гамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб[8],
Мажнунға, ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлийи бозигар эрур чамбар ичинда
Холингки, ўшул ҳалқаи гесу[9] била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур[10], не ажабким,
Ит сайд[11] қилур вақтда тулку била ўйнар.

Муғ дайрида[12] маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма киби гунбади мину[13] била ўйнар.

---

[1] С о р — чуғурчуқ.
[2] Н о р — 1) ўт, олов; 2) анор; 3) дўзах.
[3] Д и л ж ў ( й ) — кўнгилга ёқувчи, дилкаш; мажозан: маҳбуба.
[4] Ҳ и н д у б а ч а — ҳинд бола.
[5] Т и ф л — бола, гўдак.
[6] А л қ и с с а — хуллас, қисқаси, шундай қилиб.
[7] Ф у с у н ( А ф с у н ) — сеҳр, ҳийла, фириб.
[8] М у л о и б — ўйновчи, ҳийлагар.
[9] Г е с у ( Г и с у ) — соч, зулф, кокил.
[10] Т а м а с х у р — масхара бўлиш.
[11] С а й д — ов, шикор.
[12] М у ғ д а й р и — оташпарастлар ибодатхонаси; мажозан: майхона.
[13] Г у н б а д и м и н у — мовий осмон.

## ИЕ АЖАБ

Не ажаб, ҳар ён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол[1] элидин хоралар.

Оразинг атрофида гулдур кўрунган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар?

Ҳар қуюн гўёки бир саргашта ошиқ гардидур,
Баски, туфроғ ўлди ишқинг даштида овворалар.

Англаким, аҳбобни кўнглумда меҳмон этмишам,
Итлари оғзида гар кўрсанг бағирдин поралар.

Анда Мажнун — мен, буён Лайли — сен эткач ижтимоъ[2],
Бир тараф — девоналар, бир ён — парирухсоралар.

Хонақаҳ вақфи[3] суйин ичмаслар, эй шайх, англағил,
Гар хумор ўлса фано дайридаги майхоралар.

Эй Навоий, ишқ аро ўлмактин ўзга чора йўқ,
Бас, ғалат бўлғай демак ушшоқни бечоралар.

## ТАЛҚИНИ БАЁТ[4]

Оташин гул баргидин хилъатки[5], жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаъледururким, анда музмар бўлди жон,
Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур.

---

[1] А т ф о л — гўдаклар, ёш болалар.
[2] И ж т и м о ъ — йиғин, мажлис; жамоат.
[3] В а қ ф — мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.
[4] Бу қўшиқ «Жононимдадур» номи билан ҳам ижро этилади.
[5] Х и л ъ а т — уст кийим, тўн.

Жон қуши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,
Ё либоси лолагун[1] сарви хиромонимдадур.

Қатл биймидур, тараҳҳумнинг доғи уммиди бор,
Ё либоси олким, ул номусулмонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона шояд қолмағай,
Бу шафақгун ҳуллаким, шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул суҳбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқиё, гулранг май солиб, кетур паймонаким,
Зуҳд биймидин халал ишқ ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун лаби гулбарги хандонимдадур.

## МЕНГА НОМЕҲРИБОН ЁР[2]

Менга номеҳрибон ёр ўзгаларга меҳрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, ағёрга оромижон эрмиш.

Тан узра эмди фаҳм эттим ададсиз тоза доғимни —
Ки, ҳар бир-бир қорарған шоми ҳажримдин нишон эрмиш.

Бузулған кўнглум атрофиндаги захм ичра новаклар
Балият қушларию захм аларға ошён эрмиш.

Рақибе синдуруб кўнглину мен йиғлаб анга, лекин
Сув келтирмак ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

Балият даштида зоре кўруб, Мажнун соғинғайлар,
Кўнгул отлиғ бизинг овворай бехонумон эрмиш!

Хаёлинг хайли кўнглум даштида чун қилдилар манзил,
Ҳар ўт ёққан ер ул манзилда бир доғи ниҳон эрмиш.

---

[1] Л о л а г у н — лоларанг, қизил.
[2] Бу қўшиқ «Эрмиш» номи билан ҳам ижро этилади.

Замон ошубидин кўнглумга юз шиддат етар эрди,
Чу фаҳм эттим — мунга боис ул ошуби замон эрмиш.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким, муътарифдурмен[1],
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Навоий назмини кўрдум қуёш лавҳига сабт[2] эткан,
Буюрған они олийқадр шоҳи хурдадон эрмиш.

## ҲУСАЙНИЙ

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулситон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмиш.

Бу маънидинки, доим чун ниҳондур ул пари кўздин,
Иши жону кўнғулга ўртамак доғи ниҳон эрмиш.

Ити бағримни ер чоғида аёғи қонға булғанди,
Кўзум боғида гул анинг табонидин[3] нишон эрмиш.

Шарарлар бирла оҳим дудини саҳрои ишқ ичра
Киши кўрса, гумон қилғай: минг ўтлуғ корвон эрмиш.

Чаманда ҳар сари қилдим гули раъно гумон, ул худ
Сариғ гул жомида гулгун сиришким бирла қон эрмиш.

Соғиндим кўйида ҳар кеча итлар ноласи, лекин
Начукким, телба ит ушшоқ кўнглидин фиғон эрмиш.

Тўкуб май муҳтасиб[4], мен йиғладим, лекин ул усрукка
Су келтирмоқ ҳамону кўза синдурмоқ ҳамон эрмиш.

---

[1] М у ъ т а р и ф — тан олган, иқрор.
[2] С а б т — ёзилган, қайд қилинган.
[3] Т а б о н — бу ерда: товон.
[4] М у ҳ т а с и б — ислом маросимлари, шариат қоидалари ва жамоат тартибини назорат қилувчи амалдор.

Фано дайрики, гардун ҳиснидин[1] маҳкамдурур, билдим —
Ки, ғардун зулмидин фақр аҳлиға[2] дор ул-амон эрмиш.

Навоийни, дедим, ишқ ичра сомоне[3] топиб эркин
Вале кўрдум — ҳамул[4] девонаи бехонумон эрмиш.

## МАХСУС

Эрур ишқинг мени маҳзунға[5] махсус[6] —
Ки, Лайли дардидур Мажнунға махсус.

Қуюнг, эй сарву савсан[7], жилваким, бор
Бу иш ул қомати мавзунға[8] махсус.

Кўруб маст айламак лофин қўй, эй май —
Ки, бу бор ул лаби майгунға[8] махсус.

Қўй, эй ой, тунни ёрутмоғниким, бор
Бу иш ул ҳусни рўзафзунға[9] махсус.

Кўзум ғирдоби жисмимни чўмурди[10],
Эмас бу Дажлаву[11] Жайҳунға махсус.

Манга бемеҳр сенсен ҳам, фалак ҳам,
Бу иш бор ой ила гардунға махсус.

Навоий, оташин гул ғунчасидек
Эрур куймак сени дилхунға[12] махсус.

---

[1] Ҳ и с н — қўрғон, қалъа, истеҳком.
[2] Ф а қ р  а ҳ л и — суфийлар.
[3] С о м о н — эътибор, давлат, қадру даража.
[4] Ҳ а м у л — ўша-ўша.
[5] М а ҳ з у н — ғамгин, қайғули, хафа: ошиқ.
[6] М а х с у с — бу ерда: хос, тегишли; қисмат.
[7] С а в с а н — гулсапсар.
[8] М а й г у н — май рангли, қизил рангли.
[9] Р ў з а ф з у н — кундан-кун ортиб борувчи.
[10] Ч ў м у р д и — чўктирди, ғарқ қилди.
[11] Д а ж л а — Ироқдаги катта дарё.
[12] Д и л х у н — дили қон бўлган, дилафгор, ғамгин.

## ИРОҚ

Не бўлди, дардима, эй бевафо, даво қилсанғ,
Вафоға ваъда қилиб, ваъдаға вафо қилсанг.

Танимни қурб[1] физосида[2] хоки раҳ[3] эттинг,
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб[4] қўлумни юзунгга, мурод этиб ҳосил,
Очиб юзунгни, кўзум ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик[5], эй кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин, ағар ҳаво қилсанг.

Жаҳон ғамин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул[6] айларсен,
Алар тағофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур вале ул ой боқмас,
Навоиё, неча булбул киби наво қилсанг.

## ТАРОНАИ НАСРИ БАЁТ

Эй кўнгул, мен тарки ишқ эттим вале фош этмагил,
Мен сенга сиррим дедим, сен элни сирдош этмагил.

Эй кўз, эмди айладим ҳар чеҳрадин қатъи назар[7],
Қил таҳаммул[8] доғи атрофимни қон ёш этмагил.

---

[1] Қурб — яқинлик.
[2] Физо (Фазо) — майдон, саҳн.
[3] Хоки раҳ (Хоки роҳ) — оёқ ости тупроғи.
[4] Сунмоқ — узатмоқ, чўзмоқ.
[5] Бийик — буюк, улуғ, юксак, олий.
[6] Тағофул — бепарволик, ўзни билмасликка олиш.
[7] Қатъи назар — нигоҳни узиш.
[8] Таҳаммул — сабр, бардош, чидам.

Соқиё, қуйдум аёғингға сиришким лаълини,
Лутф этиб, бу майға жоми ҳажр подош[1] этмагил.

Риштаи[2] меҳр уздум, эй машшота[3], зулфи қиссасин
Кўз узотиб, нотавон кўнглумга чирмош этмагил.

Гар десанг қаддинг бўлуб хам, қолмағайсан фитнаға,
Кўз солиб ҳусниға, майли ул кўзу қош этмагил.

Ҳажр тошин ёғдурубким қовди, ўлсам, эй рафиқ,
Қабрим устида тўкар тошинг жуз[4] ул тош этмагил.

Эй Навоий, фақр[5] йўлинда ер ўпгил ҳар қадам,
Яъни ул йўлда қадам сайр ичра жуз бош этмагил.

## НАЗЗОРА ҚИЛ

Эй пари, юз ёралиқ кўнглум сари наззора қил,
Ёрасиз ҳар қайдаким топсанг, ани ҳам ёра қил.

Пора-пора айлагач бир-бир анинг ажзосини[6],
Юзларин борининг оҳим дуди бирла қора қил.

Хайли ҳиндудекки, душман илгида бўлғай асир,
Ҳар бирисин олам ичра бир тараф оввора қил.

Чун алар оввора бўлди, кўзларимни ҳам ўюб,
Ўтқа ташлаб, уйларин ҳам тош била юз пора қил.

Ул икавдин бошима келган балову ғуссани
Айлабон мундоқ уқубатлар, замоне чора қил.

---

[1] П о д о ш — 1) эваз; 2) ҳамроҳ.
[2] Р и ш т а — 1) ип, тор, таноб; 2) томир.
[3] М а ш ш о т а — пардоз берувчи.
[4] Ж у з — ... дан бўлак, ... дан бошқа, ... дан ўзга.
[5] Ф а қ р — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Дунё неъматлари, вужуд эҳтиёжларидан қўл тортиб, фақат Ҳаққа муҳтож бўлиш.
[6] А ж з о — бўлаклар, парчалар, бутуннинг қисмлари.

Кўзу кўнглум бўлмаса, неткунг, агарчи, эй сипеҳр,
Хўбларға сарвдин қад, меҳрдин[1] рухсора қил.

Эй Навоий, ўйнағунг йўқ ишқ то юз кўрмагунг,
Узр айтиб, ер ўпу сўз таркини якбора[2] қил.

## НАВБАҲОР

Навбаҳор ўлди-ю, айшим гулбуни очилмади,
Ком ила бир ғунчаси балким табассум қилмади.

Васл жомидин улус маст ўлдилар, юз войким,
Бир қадаҳ бирла хумори фурқатим ёзилмади.

Эл кўзин ёрутти барқи васлу ҳижрон кожидин[3]
Қайси ўтларким, кўзумга баркдек чоқилмади?!

Васл гулзори аро эл масту ҳижрон даштида
Қолмади эркин тиканким, бағрима санчилмади.

Лолалар кўнглумга қонлиғ доғлардур навбаҳор —
Ким, ватанга лоларухсорим азимат[4] қилмади.

Фурқатим саъб эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,
Ёриға улким, қўшулмоқдин бурун айрилмади.

Қайда бағрим чоки муҳлик эрканин фаҳм айлагай,
Улки, ҳижрон тиғи заҳролуди[5] бағрин тилмади.

Чун ўлармен, сирри ишқим махфий ўлған яхшироқ,
Билмасун эл ҳам, чу ҳажри жоним олған билмади.

Бир жунун ўти аро тушмиш Навоий телбаким,
Бўлди куймакдин халос улким, анга қотилмади.

---

[1] М е ҳ р — қуёш, офтоб.
[2] Я к б о р а — бир йула.
[3] К о ж — шапалоқ.
[4] А з и м а т — ният, жазм, интилиш.
[5] З а ҳ р о л у д — заҳар аралашган, заҳарланган.

## УФОРИ САВТИ НАВО

Ёр агар базми аро ғамгинларин шод айласа,
Рози ўлдум, кош мен ғамгинни ҳам ёд айласа.

Нахли қаддиға сабодин етса осиб[1], ўзни бор
Садқаси юз сарв янглиғ банда озод айласа.

Боғбон қадду юзунгни кўрса боғ ичра, не тонг,
Сарвини гар ўтға ёқса, гулни барбод айласа!

Кўнглум афғони анга эрмас ажаб, гар етмаса,
Ўт уни етмас қуёшқа, гарчи фарёд айласа.

Эй кўнгул, чун олам аҳлиға вафо йўқтур, киши
Авло[2] улким, ўзни бекасликка муътод айласа.

Шайх ила зуҳди риёйидин малул[3] ўлсам, қани
Дайр пириким, фано ойинин[4] иршод айласа.

Эй Навоий, одамийлиғдин йироқдур сен киби
Ёрлиққа[5] кимки майли одамизод айласа.

## ТАЛҚИНИ МАҚОМИ НАВО[6]

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайин саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса.

Базм аро хуштур қадаҳ кавкаб, вале эрмас тамом,
Мутриби хушлаҳжаи[7] хуршидсиймо[8] бўлмаса.

---

[1] О с и б — зиён, зарар, кулфат.
[2] А в л о — яхши, афзал.
[3] М а л у л — ғамгин, хафа, ранжиган.
[4] О й и н — 1) расм, одат; 2) йўл-йўриқ.
[5] Ё р л и қ — дўстлик.
[6] Бу қўшиқ «Сабо» куйи билан ҳам ижро этилади.
[7] Х у ш л а ҳ ж а — хушовоз, ёқимли.
[8] Х у р ш и д с и й м о — қуёш юзли, гўзал.

Меҳру моҳу[1] Муштарию[2] Зуҳра[3] чун қилди тулуъ,
Ҳеч наҳс[4] ахтар тулуъи анда қатъо[5] бўлмаса.

Мунча бўлса ҳам муяссар, жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ кўйида бир маҳфуз[6] маъво бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст[7] боғланди эшик,
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо бўлмаса!

Хуштурур бу навъ амният[8] вале ақшомғача
Гар фалакдин бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст[9],
То абад ғам йўқ агар бўлса яна, ё бўлмаса.

Умр базмида нашот[10] асбоби дилкашдур, басе,
Гар ҳаводис[11] шаҳнасидин анда яғмо бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абад умри, керак
Хотирингда ёрдин ўзга таманно бўлмаса!

## ФАРЁД[12]

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух[13] шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Қилиб мужгонни шабравлар[14] киби жон қасдиға ханжар,
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

---

[1] Моҳ — ой.
[2] Муштарий — Юпитер сайёраси.
[3] Зуҳра — Венера сайёраси: уни фалак чолғувчиси дейдилар ҳамда гўзаллик, мусиқаю рақс ва шодлигу хурсандчилик тимсоли ҳисоблайдилар.
[4] Наҳс — бадбахтлик, бахтсизлик.
[5] Қатъо — ҳеч қачон, асло.
[6] Маҳфуз — сақланган, асралган.
[7] Руст — маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам.
[8] Амният — тинчлик, хотиржамлик.
[9] Даст бермоқ — муяссар бўлмоқ.
[10] Нашот (Нишот) — шодлик, хурсандчилик.
[11] Ҳаводис — ҳодисалар, воқеалар.
[12] Бу қўшиқ «Насруллойи» куйи билан ҳам ижро этилади.
[13] Гулрух — гул юзли, гўзал.
[14] Шабрав — тунда юрувчи; йўлтўсар, қароқчи.

Қуёшдек чеҳра бирла тийра кулбам айлагач равшан,
Манга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Кулуб ўлтурди-ю, илким чекиб, ёнинда ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб[1] айлаб —

Ки: «Эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?»
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

Чиқарди шишаи май доғи бир соғар тўла қуйди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо[2] итоб[3] айлаб —

Ки: «Эй мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг?
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи[4] ҳижоб айлаб!»

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға бориб ўздин,
Мени йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айлаб.

Аниким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар[5] тарки хоб айлаб.

## ҚИЛДИЛАР[6]

Бағримни тиғи ҳажр ила пора қилдилар,
То ёр куйидин мени оввора қилдилар.

Буткудек эрди васл ила то кўнглум жароҳати,
Ҳижрон қиличи била яна ёра қилдилар.

Мазмуни ўлмаку оти ҳижрон ғами деган
Юз минг жафони жонима якбора қилдилар.

---

[1] Хушоб — тоза, тиниқ.
[2] Нозосо — ноз аралаш, нозли.
[3] Итоб — 1) ноз, карашма; 2) қаҳр, таъна, маломат, ғазаб. Тасаввуфда икки маънода келади: маъшуқанинг ошиққа ва ошиқнинг ўз нафсига итоб айлаши.
[4] Рафъ — юксалиш, кўтариш.
[5] Субҳи маҳшар — қиёмат тонги.
[6] Бу қўшиқ «Насри сарахбор» куйи билан ҳам ижро этилади.

Турған ёшим оқиздилар ул ой фироқида,
Собитларимни[1] кавкаби сайёра[2] қилдилар.

Воиз[3] уни суруд[4] эрур ишғоли айшиға,
Қисмат кўйинда оники, майхора қилдилар.

Май тутки, жом даврида-ўқ топтилар илож,
Жамъеки, чарх даврини наззора қилдилар.

Ё Раб, не дей аларники, мискин Навоийни
Беҳушу ақлу бедилу бечора қилдилар.

## НАСРУЛЛОЙИ

Паризодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд[5] этмиш,
Малойик[6] кушлари ул ҳалқа мўлар[7] бирла банд этмиш.

Самандингким, ёлиндек[8] тез эрур, юз шукрким, гардун
Анга бизни самандарваш[9], мунга гарди саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташғоҳиға девона кўнглумни
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.

Вафоға телбаликдин нописанд ўлсам, они кўрким,
Жафоға кимни менча ул парипайкар писанд этмиш.

Майи равшан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш шайх,
Даму афсун била баским, анга изҳори панд этмиш.

---

[1] Собит — мустаҳкам, турғун; исботланган, тасдиқланган.
[2] Кавкаби сайёра — сайр қилувчи юлдуз; мажозан: кўз ёши.
[3] Воиз — ваъз айтувчи, насиҳат қилувчи.
[4] Суруд — 1) қўшиқ, ашула; 2) оҳанг.
[5] Мустаманд — хаста, нотавон, ҳожатманд.
[6] Малойик — малаклар, фариштaлар.
[7] Му(й) — соч, зулф.
[8] Ёлин — учқун, ёлқин, аланга, олов.
[9] Самандар — афсонага кўра, олов ичида туғилиб, олов ичида яшовчи, ранги ҳам оловранг жонивор.

Лабингда нўшу заҳри ҳажр оғзимда, тонг эрмас, гар
Менга ҳар заҳрханд[1] ўлғанда ул бир нўшханд этмиш.

Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар[2] қилган,
Менинг жонимни доги ишқ бирла баҳраманд этмиш.

Биравким, сарвдек озодаваш[3] бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони[4] ҳам сарсабз[5] ани, ҳам сарбаланд[6] этмиш.

Навоий, кеч висол уммидидинким, Ҳақ сени беҳад
Залилу[7] зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.

## АЛИ ҚАМБАР

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Малолат[8] даштида овора бўлмиш.

Анга баским, ёғар тош устига тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Урарда дам-бадам хороға бошин
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хазу[9] синжоби[10] хору хора бўлмиш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди қониким, ғамидин
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлиғ чора бўлмиш.

---

[1] З а ҳ р х а н д — заҳарханда.
[2] Б а ҳ р а в а р — баҳраманд.
[3] О з о д а в а ш — қадди баланд, сарвқомат.
[4] Қ а з о  д е ҳ қ о н и — Аллоҳ; тақдир.
[5] С а р с а б з — яшнаган, ҳамиша кўм-кўк; мажозан: шод, хуррам.
[6] С а р б а л а н д — боши баланд, юксак.
[7] З а л и л — хор, тубан, паст.
[8] М а л о л а т — малоллик, азият, ғам-ғусса.
[9] Х а з — ипакли мато.
[10] С и н ж о б — силовсин терисидан ишланган пўстин.

## ОШИҚ

Бир қатла бўлса эрди ул гулъузор[1] ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллида зор ошиқ.

Ишқ ичра куйса эрди бир тун, қилур эди раҳм,
Ғам шоми оҳ ўтидин чекса шарор ошиқ.

Хоре аёғин афгор этмай не фикри бўлғай,
Гар қилса хора бирла кўксин фигор ошиқ.

Жонни фидоси қилсам таън этманғизки, бордур
Ёр оллида ўларга беихтиёр ошиқ.

Шамъи жамолин очқач, ўртанмагим не тонгким,
Куймак аро керактур парвонавор[2] ошиқ.

Ишқ ичра ихтиёринг гар йўқ, бу мўътабардур,
Бўлса керак фанодин беэътибор ошиқ.

Ошиқ эсанг, Навоий, кўп заъфдин ториқма,
Не бўлғусидур ўлмай зору низор ошиқ.

## ЖОНИМ МЕНИНГ

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Гул тўкулмиш суға, бормиш сарв ўзидин гўиё,
Чеҳра очмиш боғ аро сарви хиромоним менинг.

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир туган,
Лолаедур гўиё ҳар доғ ила қоним менинг.

Тилга олмиш телба кўнглумни яна хайли рақиб,
Қолмиш итлар оғзида мажнуни урёним менинг.

Мен анга ҳайрону эл минг захм урса бехабар,
Бехабар захм урғучилар доғи ҳайроним менинг.

---

[1] Гулъузор — гул юзли, гўзал.
[2] Парвонавор — парвона каби.

Халқдин пинҳон мени маст айла, шояд, эй рафиқ,
Сокин ўлғай шаммае[1] бу дарди пинҳоним менинг.

Эй Навоий, бўлмаса бир пири[2] комил ҳиммати,
Ул йигит бедодидин йўқ махлас имконим менинг.

## ГУЛЗОРМАКОН

Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркин тутмадинг,
Ваъдаи шамъи висол эттинг вале ёрутмадинг.

Ваъдаи васлинг илик бергай деб ашким бўлди баҳр,
Чунким ул дарё аро ғарқ ўлдум — илгим тутмадинг.

Васл нўшидин[3] кўнгулни қилмадинг бир лаҳза хуш,
Ҳажр заҳри биймидин юз қатла то қўрқутмадинг.

Оташин[4] гул ғунчасидек ўртадинг кўнглумни, лек
Очибон они насими васлидин совутмадинг.

Донаи ашкимгаким, ром ўлди ҳижрон қушлари,
Эй кўнгул, бир кун фиғонингдин ани уркутмадинг.

Хаста кўнглумким, ғаму хуноба қилдинг қисмати,
Бу ғизою[5] шарбат ул бемордин ўксутмадинг.

Бодаи васлин ғанимат тут, Навоий, зинҳор —
Ким, не қонларким, бу гулгун сувни истаб ютмадинг.

## МУВОФИҚ КИЙДИЛАР...

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

---

[1] Ш а м м а — бир оз, озгина, қисқача.
[2] П и р ( Ш а й х, М у р ш и д ) — тасаввуф тариқатида муридга раҳнамолик қиладиган ирфоний маърифатда юксак мақомга кўтарилган киши.
[3] Н ў ш — асал, ширин.
[4] О т а ш и н — 1) ўтли, алангали; 2) ўтдай қизил, оловранг.
[5] Ғ и з о — озиқ-овқат, егулик, таом.

Чаман сарви қолиб бебар[1], менинг сарвим бўлуб дилбар,
Ани ел айлабон музтар[2], бу елдин секретиб адҳам[3].

Қўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғулғул[4],
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур хам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи —
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил —
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

## НИГОРИМ КЕЛГАЙ

Не кун ўлғайки, нигорим келгай,
Боғи умрумда баҳорим келгай.

Умр боғида баҳор улдурким,
Сарвқад лолаъузорим[5] келгай.

Ўлмагаймен йўлида, гар бошима
Секретиб шаҳсуворим келгай.

Ул гадо жониға ўт тушгайким,
Олғали шамъи мазорим келгай.

Кўйида итти кўнгул, ваҳ, қачон ул
Масти девонашиорим келгай.

Қани майким, чу ичиб маст ўлсам,
Кўкка туз боққали орим келгай.

Эй Навоий, тиламон ҳуру пари,
Шояд ул базмда ёрим келгай.

---

[1] Б е б а р — мевасиз.
[2] М у з т а р — мажбур бўлган, ночор, ноилож.
[3] А д ҳ а м — қора тўриқ от.
[4] Ғ у л ғ у л — 1) шовқин-сурон; 2) сайраш.
[5] Л о л а ъ у з о р — лола юзли, гўзал.

## ИСТАНГИЗ

Истаганлар бизни, саҳрои балода истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти анода[1] истангиз.

Вомиқу Фарҳоду Мажнундеклар ул водий аро
Бўлсалар пайдо, мени ҳам ул арода истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға
Толиб эл бошиға келган можарода истангиз.

Эйки, истарсиз савод ул-важҳ фид-дорайндин[2],
Бохабар бўлмоқ мени юз қарода истангиз.

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.

## ЖАФО ҚИЛМИШ

Кўнгулни бу кеча бир ой хаёли мубтало қилмиш —
Ки, уйқу хайлини кўзлар саводидин жало[3] қилмиш.

Кўнгулга тоза қўйғон доғлардинму савод ўлмиш,
Йўқ эрса ҳажр дудидин фалак юзин қаро қилмиш.

Вужудим хирманин ўртарға бир барқи бало урмиш,
Кўзумга ҳажр илги кожидин ҳар ўтки чоқилмиш.

Вафосизлиқ муҳаббат аҳли оридур, хушо улким,
Ҳаёти накдини бир қотил оллинда фидо қилмиш.

---

[1] А н о — қийинчилик, машаққат, азоб.
[2] С а в о д   у л - в а ж ҳ   ф и д - д о р а й н — икки дунёда юзи қоралик.
[3] Ж а л о — ватандан айрилиш, ғурбатда бўлиш.

Аёғи туфроғининг қийматин жонлар деган ҳайҳот,
Ҳаёт иксирини[1] туфроғ бирла тенг баҳо қилмиш.

Гадолиғ айламиш йиллар кўзум — ул хўблар шоҳи
Қачон бир кўргузуб ораз, анинг комин раво қилмиш.

Висол истар эсанг қочма балиятдинки, кўргузмиш
Ниёз аҳли вафо, ҳар неча ноз аҳли жафо қилмиш.

Тараб[2] жомини тутмас дайр пири бўлмайин фоний,
Биров бу файз топмишким, ерин дайри фано қилмиш.

Навоий бенаво бўлким азал қассоми[3] қилғонда —
Халойиққа наво тақсим, бизни бенаво қилмиш.

## ЧОРГОҲ — III[4]

Баҳор андоққи булбул гулъузори тоза истармен —
Ки, ул гулбонг[5] ила ўзни баландовоза истармен.

Чу ул гул тоза-тоза ўт солур кўнглум аро, мен ҳам
Ул ўтдин кўкрагим доғини тоза-тоза истармен.

Чу йўқ андоза ишқим бирла шавқимға, ул ойни ҳам
Жамолу меҳр ойинида беандоза истармен.

Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларинг, тонг йўқ,
Темурдин чун ҳисори[6] дард учун дарвоза истармен.

Узори шавқи тиғидин ўлуб қонлиғ кафан бирла,
Анинг ҳам хоридин ҳавро[7] юзиға ғоза[8] истармен.

---

[1] Иксир — афсонавий жавҳар — унинг воситасида гўё мисни олтинга айлантириш мумкин эмиш; мажозан: жуда фойдали дори.

[2] Тараб — шодлик, хурсандчилик, хуррамлик.

[3] Қассоми азал — азалда қисмат, ризқ, феълу атвор ва бошқаларни тақсим қилувчи, яъни Худо.

[4] Бу кўшиқ «Истармен» номи билан ҳам ижро этилади.

[5] Гулбонг — 1) баланд овоз билан нола тортиш; хуш овоз билан сайраш.

[6] Ҳисор — қалъа, қўрғон, истеҳком.

[7] Ҳавро — ҳурлар, гўзаллар.

[8] Ғоза — юзга суртиладиган упа-элик.

Фироқинг ичра, розимен, фалак жисмим уйин йиқса,
Хилофи одат: уй вайрон қилурға роза[1] истармен.

Навоий назмининг авроқи[2] зулфунгдин паришондур,
Анинг жилдиға сунбул торидин шероза[3] истармен.

## НАСРИ ЧОРГОҲ

Йўлунда туфроғ ўлдум, эй сабо, ўтсанг ғуборимға,
Қуюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулъузоримға.

Гар ўлсам ул малаксиймо[4] пари ҳажринда, айланғай
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.

Фироқи тийрборонинки чектим, қушға ўхшатқай —
Ки, юлмишлар юнгин, боққан киши жисми фигоримға.

Қуёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,
Гар ўлса юз қуёш толеъ қорарған рўзгоримға.

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас
Йигитлик[5] бирла ошиқшевалик[6] ўз ихтиёримга.

Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин[7],
Анга етмон, не илдам сайр экин чобуксуворимға.

Сени, эй мугбача, маҳрумлиқдин асрасун Тенгри,
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимға.

Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним —
Ки, май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримга.

Вафо ўтиға мен куйдум, вале топқай Навоийдек
Муҳаббат риштаси боққан киши ҳар бир шароримға.

---

[1] Р о з а — тош йўнувчи.
[2] А в р о қ — варақлар, саҳифалар.
[3] Ш е р о з а — китобни муқовалашда унинг саҳифалари сочилмасин учун ипак билан тикиш.
[4] М а л а к с и й м о — фариштага ўхшаш; ниҳоятда гўзал.
[5] Й и г и т л и к — ёшлик, навқиронлик.
[6] О ш и қ ш е в а л и к — ошиқлик иши, одати.
[7] П ў я — югуриш, елиш.

## ЎЗГАЧА

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ғанжу далол[1] ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин етиб дафъи малол[2] ўзгача.

Сунбули пуртоб[3] ҳам, лолаи сероб[4] ҳам
Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳи[5] мисол ўзгача.

Кирди магар дилбарим, ҳури парипайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса манга доғи йўл андаки, айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол[6] ўзгача.

Умри абад топқамен тутса манга бир қадаҳ,
Нашъаи майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгул, фикри муҳол[7] ўзгача.

Зуҳд, Навоий, санга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр аро тарҳни сол ўзгача.

---

[1] Ғанжу далол (Далолу ғанж) — ноз-карашма.
[2] Дафъи малол — ғам-ташвишларни йўқотиш.
[3] Пуртоб — кўп ҳалқа-ҳалқа.
[4] Сероб — 1) мўл-кўл; 2) серсув; 3) мажозан: дурахшон, ярқироқ.
[5] Шибҳи — ўхшаш, монанд.
[6] Қолу мақол — гап-сўз, суҳбат.
[7] Фикри муҳол — амалга ошмайдиган фикр.

# НАВРЎЗИ АЖАМ

Қаю қушким, қўнар бу пайкари[1] Мажнунмисол узра,
Эрур тан заъфидин қушдекки, йўнғайлар хилол[2] узра.

Бало тоши хам ўлған қаддим устидин йироқ кетмас,
Биайниҳ нуқта янглиғким, тушар ёзғанда зол[3] узра.

Агар майгунлуғидин ранг айлар эрса машшота,
Кўзумнинг мардумин қўйғил ўюб ул турфа хол узра.

Қошингнинг тоқи устида эмастур анбарин холинг,
Зуҳал[4] гўё очибтур оразин мушкин ҳилол узра.

Не тонг, нозуклугидин гар қурайши(й)[5] бўрк[6] оғир келди,
Хам айлар, чун қиров кўпрак ёғар нозук ниҳол узра.

Саводи хат била ҳам оразинг хуршиди равшандур,
Сафода не тафовут соя тушкандин зулол[7] узра.

Белингга то сочинг чирмашти, рашкидин анинг ҳар тун
Димогимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра.

Кўзумни истасанг равшан, қадаҳни ёпма, эй соқий,
Керакмастур саҳоб[8] ул ахтари фархундафол[9] узра.

Навоий, ёр лаълида учуқгур, йўқса ёпушти
Чибиннинг парридин бир пора қўнған чоғда бол узра.

---

[1] П а й к а р — жусса, гавда, вужуд.
[2] Х и л о л — нозик, озғин.
[3] З о л — араб алифбосининг тўққизинчи ҳарфи.
[4] З у ҳ а л — Сатурн сайёраси. Ўтмиш мунажжимларининг айтишларича, Зуҳал бахтсизлик белгиси ҳисобланади.
[5] Қ у р а й ш и й — қурайш қабиласига мансуб.
[6] Б ў р к — бош кийим, қалпоқ.
[7] З у л о л — 1) тиниқ, тоза, ширин сув; 2) май, шароб.
[8] С а ҳ о б — булут.
[9] Ф а р х у н д а ф о л — бахтли, саодатли.

6—11-243

## НИМЧЎПОНИ

Зулфиға майл, эй насими анбарафшон, айлама,
Тарқатиб юз пора кўнглумни паришон айлама.

Олам аҳли жониға раҳм айлаб, эй чобуксувор,
Отланиб усрук, яна оҳанги майдон айлама.

Азми гашт айлаб тун ақшом, ой киби айлаб тулуъ,
Чархнинг юз минг кўзин ҳуснунгга ҳайрон айлама.

Захмлиғ бағримни юз минг пора айлаб тиғ ила,
Зулмдин ҳар порасин бир қатраи қон айлама.

Деб эмишсен: айлагум ислом элинда қатли ом[1],
Айлама бу зулмни, эй номусулмон, айлама!

Гар, десанг, кўнглунгни гардун таҳ-батаҳ[2] қон этмагай,
Хурда майлин ғунчадек кўнглунгда пинҳон айлама.

Эй Навоий, базм тузган эрмиш ул гул боғ аро,
То паришон бўлмасун, булбулдек афғон айлама.

## ЭЙ САРВИ ГУЛЪУЗОР [3]

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,
Гоҳи кўзумга хол тушуптур, гаҳи ғубор.

Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қорада бор.

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Билман[4], кўнгулда холларингнинг хаёлидур
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор.

---

[1] Қатли ом — қирғин.
[2] Таҳ-батаҳ — қаватма-қават.
[3] Бу қўшиқ «Мақоми сегоҳ» куйи билан ҳам ижро этилади.
[4] Билман — билмайман.

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмағин,
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Машшотаи қазо[1] безамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?

Мискин Навоий холи лабинг кўрса, жон берур,
Боқсанг не бўлди суврати ҳолиға, эй нигор?

## ИСТАДИМ

Қон ютуб умре, жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб, сониндим, ёр эрур,
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим, олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умри улча йўқтур, соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар[2] жинсида, ваҳ, ғафлат кўрунг —
Ким, пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни, кўнгул, кўз бирла фош этмак, не тонг,
Қалби тардоманни[3] чун мен соҳибасрор[4] истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор[5] истадим.

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу ғуссадин
Ўзни бекаслик балосиға гирифтор истадим.

---

[1] Машшотаи қазо — оро берувчи қудрат, яъни Худо.
[2] Башар — киши, инсон; инсоният.
[3] Тардоман — ахлоқсиз, гуноҳкор.
[4] Соҳибасрор — сирлар соҳиби, ориф, пир, комил инсон.
[5] Кўйи хаммор — майхона кўчаси.

## ҒАЙРИНГҒА ПАРВО АЙЛАСА[1]

Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким, сенинг шавқунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид[2] ўлай,
Ҳар киши ҳамким, сенинг васлинг таманно айласа!

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласа!

Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа.

Рашкдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа!

Офият[3] жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон[4], йўқ табиб —
Ким, ул ансабдур[5] пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини[6],
Ногаҳ аҳли сидқ[7] кўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро[8] айласа.

---

[1] Бу қўшиқ «Талқин» ва «Рок» куйлари билан ҳам ижро этилади.
[2] Н а в м и д — умидсиз, маъюс.
[3] О ф и я т — соғлик, тинчлик.
[4] П а р и х о н — дуохон, азайимхон.
[5] А н с а б — энг лойиқ, энг муносиб.
[6] О с о р — белги, нишон.
[7] А ҳ л и  с и д қ — Ҳақ йўлидаги кишилар.
[8] М у т а р р о — тозаланган, мусаффо.

## КЎЧАБОҒИ — II[1]

Эй сарвинози гулшану боғи малоҳатим,
В-эй, гулъузори маҳваши сарвқоматим.

Лаълинг табассум этти-ю, жоним асиридур,
Шаккар соғинди тўти киби йўқ ҳаловатим.

Дарду фироқ мотами, эй нозанин нигор,
Яғмо қилиб ҳузуримни, тоқ этти тоқатим.

Ҳуснингни гулшанида бағоят чекиб фиғон,
Чун андалиб[2] кетти бу ўтға талоқатим.

Хокистаримни[3] куйинга еткурса гирдбод[4],
Қолғай ҳануз боқий чекарга ҳаловатим.

Куйди фироқ шуъласидан шамъдек, нетай,
Таъсир қилди олама сўзу ҳароратим.

Токим Навоий чекти рақами иштиёқи ёр,
Шоядки, бўлғай бир куни элда ҳикоятим.

## ТАРАҲҲУМ АЙЛАГАЙ

Неча мен меҳнат чекиб, ул ой танаъум айлагай,
Ошкоро йиғласам, пинҳон табассум айлагай.

Жавридин ул навъ хушменким, ўлум ҳоли бўлуб,
Ваҳм этарменким, кўруб ногаҳ тараҳҳум айлагай.

Нукта сургач лаъли, ўлгонлар топар умри абад,
Умрида Исо қачон мундоғ такаллум айлагай?

Тиғи зулми тегмагидин айласа эл кўнгли бим,
Тегмасун ғайрига деб, кўнглум таваҳҳум айлагай.

---

[1] Бу қўшиқ «Мақоми дугоҳ» ва «Ҳожиниёз — II» куйлари билан ҳам ижро этилади.

[2] Андалиб — булбул.

[3] Хокистар — кул.

[4] Гирдбод — айланма шамол, бўрон, довул.

Дема зулмум кўп етиб, кўнглунг тазаллум айламиш —
Ким, агар оз этса, шоядким, тазаллум айлагай.

Эй кўнгул, бир лаҳза ҳижрон шиддатиға арзимас,
Гар висол ичра киши юз йил танаъум айлагай!

Ёр базмиға чу йўл топмас Навоий, не осиғ,
Дилхарош[1] афғону гар дилкаш тараннум айлагай.

## ҲАЖРИНГ КУНИН

Ҳажринғ кунин бир йилчаву ҳар соатин бир ойча бил,
Ҳайрат маҳалли бўлмағай ўн икки ой гар бўлса йил.

Ул ишвагар чу очти юз — кўзга назар йўқ, тилга сўз —
Ким, ашкдин боғланди кўз, ҳайраттин ул янглиғки тил.

Чун шаҳсуворим отланур, андин фалак лаъб ўрганур,
Ишқида жисмим тўлғанур ул навъким, ўт узра қил.

То чиқмас ул гул боғдин бўлмиш бу дарду доғдин
Дардим оғирроқ тоғдин, хошокдин жисмим енгил[2].

Эй ҳуен аро соҳибғино[3], хуршид — атонгдур, ой — ано[4],
Истар эсанг нисбат яно: ҳам сарв — аго, ҳам гул — сингил.

Кўк меҳридин айёррок, Баҳромдин[5] хунхоррок,
Сен ё фалак ғаддорроқ[6], эй меҳри йўқ моҳим, дегил.

Кўрди Навоий жон аро ғам шуъласи ҳирмон аро,
Кўз мардумидек қон аро, кўргач либосингни қизил.

---

[1] Д и л х а р о ш — кўнгилни тирновчи, кўнгил дардларини қўзғовчи.

[2] Ошиқнинг ишқ дардиға ўртана-ўртана заифлашиши — хас, хашак, сомон, барг, чўп даражасига тушиб қолиши тасаввуфда асосий шарт. Фақат шундагина илоҳий ишқ чақмоғи чақилиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади.

[3] С о ҳ и б ғ и н о — бойлик эгаси; бу ерда: ҳусн шоҳи.

[4] А т о — ота. А н о — она, волида.

[5] Б а ҳ р о м — Миррих (Марс) сайёраси. Қадимги мунажжимлар уни фитна, уруш тимсоли, кишиларга бадбахтлик келтирувчи беҳосият сайёра ҳисоблаганлар.

[6] Ғ а д д о р — маккор, ҳийлагар; хоин, алдамчи.

## ТАРОНАИ НАСРИ САРАХБОР – IV

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму[1] экин оё,
Ё шуъла аро бир-бир ахгарму экин оё?

Ҳар сари қулоғингда гавҳарму экин ёхуд
Ҳар жонибида[2] ойнинг ахтарму экин оё?

Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздунг,
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Ғунча ичида даврон муҳкам[3] тикан урғандек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?

Кўнглум қушиким қолмиш зулфинг аро саргардон,
Савдо тунида сойир шабпарму[4] экин оё?

Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдирган,
Оҳим тутуни ичра озарму[5] экин оё?

Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур
Ё заҳри фироқ ичра ништарму экин оё?

Жон пардасида ҳар ёнким, янги туганлардур[6],
Қатлимға фалак тузган маҳзарму[7] экин оё?

Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти
Ишқингни, санга бу сўз боварму[8] экин оё?

---

[1] А ҳ м а р — қизил.
[2] Ж о н и б — томон, тараф.
[3] М у ҳ к а м — маҳкам, мустаҳкам.
[4] Ш а б п а р ( Ш а п п а р а к ) — кўршапалак.
[5] О з а р — ўт, олов.
[6] Т у г а н — доғ, из, яра ва жароҳатнинг доғи.
[7] М а ҳ з а р — 1) ҳар нарсанинг кўринадиган, зоҳир бўладиган жойи; 2) акс, партав; 3) кўриниш, намоён бўлиш; 4) намуна, нишона.
[8] Б о в а р — 1) ишонч, ишониш; 2) тўғри, ҳақиқат.

## ТАРОНАИ МУХАЙЯРИ ИРОҚ — I

Оғзим ачитқон дам-бадам ул лаъли шаккарханд[1] эрур,
Ваҳ-ваҳ, туз эрмиш улки, мен қилдим гумонким, қанд эрур.

Ўтсанг ғамим саҳросидин, қонлиғ кўнгул ажзосидин,
Ҳар лола баргин англаким, бир доғлиғ парканд[2] эрур.

Кўюнгда мунглуғ жонға тан, юз захм иладур хирқае
Марҳам била қўйиған мамуқ[3] ҳар ён анга пайванд эрур.

Мажнун кўнгул қилмас ҳаво ҳар ён ўқунгдин гўиё —
Ким, бу темур бирла йиғоч ҳабсиға[4] онинг банд эрур.

Боққач қуёш рухсориға андин қилурмен кўз ёши —
Ким, ул мусофир ойима ҳусн ичра бас монанд эрур.

Ғам барқию меҳнат туни зоянда[5] бўлса ишқдин
Тонг йўқки, ўтқа гаҳ шарар, гоҳи тутун фарзанд эрур.

Дунё аруси[6] зулфини тутқан не огаҳ фақрдин,
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.

Минг нола тортиб кўрмай ул гул васлин охир ўлганим,
Бу боғнинг булбуллари гар билсалар, хуш панд эрур.

Кўз учи бирла боқтингу қийдинг Навоий кўнглини,
Билдинг аниким, бир қиё боқмоққа ҳожатманд эрур.

## КЎЙИДА

Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳам беморға,
Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорға.

Ҳажри бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрурмен қўл таяб деворға.

---

[1] Ш а к к а р х а н д — чиройли табассум қилувчи.
[2] П а р к а н д — парча, бўлак.
[3] М а м у қ — пахта.
[4] Ҳ а б с — қамоқ, қафас, зиндон.
[5] З о я н д а — туғилувчи, туғувчи.
[6] А р у с — келин, келинчак.

Телба кўнглумнинг қушидин қону юздин заъфарон,
Қилсалар дафъи жунуним басдурур тумморға.

Ишқ пайдову ниҳон ўлтурди, лекин йўқтурур
Заҳра[1] бу ҳолимни ҳам ихфоға, ҳам изҳорға.

Зулфида мен фонию тасбеҳ ила мағрур шайх,
Субҳа торин бас, не янглиғ ўхшатай зуннорға.

Йўқ ажаб ўлсам дағи кавсар суйи бўлғай насиб
Назъ[2] вақти солсам ўзни кулбайи хамморға[3].

Зор ўлуб мискин Навоий нечаким чекти фиғон,
Қилмади ул ой тараҳҳум бу фиғону зорға.

## ТАРОНАИ ТАЛҚИНИ СЕГОҲ

Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни[4] нетай,
Бошима гар гул сочар, сенсиз гулафшонни[5] нетай.

Нахли қаддинг чун эмас гирён[6] кўзумда жилвагар,
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай.

Ул итингга бўлмаса туъма[7], бу оллингда фидо,
Заъфлиқ пайкарни найлай, нотавон жонни нетай.

Лаългун ашким лаби ҳижронида айб этмангиз,
Кўз йўлидин тўкмайин бағримдағи қонни нетай.

Зулмати ҳажрида чашманг васфин этма, эй Хизр,
Менки умримдин тўюбмен, оби ҳайвонни нетай.

---

[1] З а ҳ р а — ўт, сафро.
[2] Н а з ъ — жон чиқиш вақти, ҳолати.
[3] К у л б а й и  х а м м о р — майхона.
[4] Р и з в о н — жаннат; саккиз жаннатнинг бири.
[5] Г у л а ф ш о н ( Г у л ф и ш о н ) — 1) гул сочувчи, гулдек очилиб турувчи; 2) шод ва хурсанд этувчи.
[6] Г и р ё н — йиғловчи, йиғлаб турган.
[7] Т у ъ м а — озиқ, луқма.

Доғима марҳамни кўп таклиф қилмай, эй рафиқ,
Туттум ул доғим ўнгалди[1], доғи ҳижронни нетай.

Ёрдин айру бузуғ кўнглумга қилдим хайрбод[2],
Эй Навоий, уйла ганж ўлмай бу вайронни нетай.

## АЙЛАНГИЗ

Нозанинлар, бенаволарға[3] тараҳҳум айлангиз,
Лутф агар йўқтур, ғазаб бирла такаллум айланғиз.

Гаҳ бийик, гаҳ паст гирён кўрсангиз ушшоқни,
Фош кулмассиз, ниҳон боре табассум айлангиз.

Ҳажр зулмидин қотиқ ҳолимни, эй жону кўнгул,
Билдингиз, ёр оллида бориб тазаллум айлангиз.

Эй балову дард, ўтлар худ солибсиз жонима,
Лек сиз ҳам гаҳ-гаҳ ул ўттин таваҳҳум айлангиз.

Қон агар ютсам қарориб ахтарим, эй хатту хол,
Сиз майи лаъли била боре танаъум айлангиз.

Биз фано туфроғи бўлдук дайр аро, эй аҳли зуҳд,
Хонақаҳ саҳнида сиз баҳси тақаддум[4] айлангиз.

Эй муғаннийлар, Навоий маст эди — кеч уйғонур,
Ани уйғотмоққа бир дилкаш таранннум айлангиз.

## ЎРТАДИ

Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,
Нотавон жисмимға тушкан шуъла жоним ўртади.

Кўзғабон кўнглум алохону аломон[5] айлади,
Не алохону аломон, хонумоним ўртади.

---

[1] Ў н г а л м о қ — тузалмоқ, соғаймоқ.
[2] Х а й р б о д — хайрлашиш, узоқлашиш.
[3] Б е н а в о — 1) фақир, қашшоқ; 2) ғариб, нотавон; 3) бебаҳра, маҳрум.
[4] Т а қ а д д у м — илгарилаш, олдинда булиш.
[5] А л о х о н у а л о м о н — хонавайрон.

Барқи ишқинг чунки тушти, хонумоним бўлди кул,
Турфа ўт эрдики, пайдову ниҳоним ўртади.

Дема, ишқим найладиким рўзгорингдур қора,
Ўртади, эй қотили номеҳрибоним, ўртади.

Лаъли маҳлул[1] айлагандин ўт ёқиб хошок ила,
Ҳажри жоним куйдуруб, жисмимда қоним ўртади.

Бўлмаса ному нишоним, айб қилмангким, фироқ
Рўзгор авроқида ному нишоним ўртади.

Шоми ҳажрида шафақ кўрсанг, Навоий, бил яқин —
Ким, фалакни шуълаи оҳу фиғоним ўртади.

## ЭЙ ПАРИ

Эй пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур, бечора ҳам,
Ишқу савдо даштида Мажнун эрур, оввора ҳам.

Тандаги пайконлару ашким ёрутмас уйниким,
Дуди оҳимдин қорармиш собиту сайёра ҳам.

Захми кўп бағримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиқ —
Ким, эрур юз пораву мажруҳ эрур ҳам пора ҳам.

Васли иқболию мен, ҳайҳотким, рухсорини
Тоқатим йўқтур йироқтин қилғали наззора ҳам.

Уйла су қилди бало кўҳсорини[2] оҳим ўти —
Ким, олиб кўксумга урғанча топилмас хора ҳам.

Чарх макру фитнасидин ғофил ўлманг зинҳор,
Чунки бу шоҳид басе фаттон эрур, маккора ҳам.

Телбараб[3] иттим Навоийдек жунун саҳросида,
Қилмади ёдимни ҳаргиз бир парирухсора ҳам.

---

[1] Л а ъ л и  м а ҳ л у л — эритилган май, қизил май.
[2] К ў ҳ с о р — тоғлик жойлар.
[3] Т е л б а р а б — телба бўлиб, ақлидан озиб.

## САВТИ СУВОРА — VIII (IX)

Бир ой ўтти мени маҳзунға, бир ой интизоринда —
Ки, не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушум қароринда.

Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр ибтилосинда[1],
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ изтироринда[2].

Юзунг ҳажрида туфроғ ўлдум ул янглиғки, ел қўпқоч,
Қуёш чиқса, падидор[3] ўлмағай жисмим ғуборинда.

Юзунг майдинки гулгун бўлди, йўқ жаннатда ул гуллар —
Ки, бир-бир очилибтур олами ҳуснунг баҳоринда.

Дегайким: бўстонафрўз[4] ичида тухми сочилмиш,
Биравким холлар кўрса узоринг лолазоринда.

Тишинг шавқида ғалтонлиғ[5] аро юз гўшада қолғай,
Агар инжу ўзин солса, дури ашким қаторинда.

Майи васлинг қаниким, нашъаси жисмимға жон бергай,
Бу янглиғким, ўлум ҳолинда мен ҳажринг хуморинда.

Менинг ё дўстнинг журми дема ишқимниким, эрмас
Менинг ҳам ихтиёримда, анинг ҳам ихтиёринда.

Қуёш чиққандек ўлғай, тийра тун ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра қорарған рўзгоринда.

## ЯХШИРОҚ

Эй, каломи жонфизойинг нақди жондин яхшироқ,
Лаъли жонбахшинг ҳаёти жовидондин яхшироқ.

Гарчи ҳажрингдин ёмон ҳолатдамен, лекин манга
Кимки андин яхшироқ йўқ, сенсен ондин яхшироқ.

---

[1] Ибтило — мубталолик, балога гирифтор бўлиш.
[2] Изтирор — чорасизлик, ночорлик.
[3] Падидор — ошкор, аён.
[4] Бўстонафрўз — гултожихўроз.
[5] Ғалтонлиғ — юмаламоқ, йиқилмоқ.

Халқ тарки ишқинг айларга биравни қатл учун,
Гар тиларсен, топмағунг мен нотавондин яхшироқ.

Ишқ саҳросинда ёд этма ватандин, эй хирад —
Ким, бу навъ овворалиғ юз хонумондин яхшироқ.

Истасанг, эй ишқ, Мажнун ўрниға саргаштае,
Билки, топқунг йўқ бу расвои жаҳондин яхшироқ.

Дайр аро яхши-ёмон оллида бош қуйсам, не тонг,
Кимки йўқ андин ёмонроқ, мен ёмондин яхшироқ.

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислоҳ истасанг,
Кимса қилмас они шоҳи хурдадондин[1] яхшироқ.

## ФИҒОНКИМ

Фиғонким, кўнглум олған дилбарим дилдорлиғ билмас,
Билур ошиқни ғамғин қилмоқу ғамхорлиғ билмас.

Нечук дей ёр эмас, душман демак бўлмас, худ айтайким,
Эрур худ ёр ул, аммо тариқи ёрлиғ билмас.

Кўнгулда зорлиғ бирла фиғон қуюнгда, айб этма,
Гадойи хастаедур жуз фиғону зорлиғ билмас.

Оғирроқдур фироқим тоғидин бахтимнинг уйқуси —
Ки, нолам бўлди рустохезу[2] ул бедорлиғ билмас.

Бўлуб мажнун паридек итмишам, невчунки ёрим ҳам
Парипайкардур, аммо ғайри мажнунворлиғ[3] билмас.

Кетур, эй соқийи маҳваш, манга бир соғари дилкаш —
Ки, даврон ёрлиғ, афлок жуз ғаддорлиғ билмас.

Қазо илги тилармен ер била ҳамвор қилғайким,
Замон аҳли замондек ғайри ноҳамворлиғ[4] билмас.

---

[1] Бу ерда Султон Ҳусайн Бойқаро кўзда тутилмоқда.
[2] Рустохез — ғавғо, тўполон.
[3] Мажнунворлиғ — мажнунлик, девоналик.
[4] Ноҳамворлиғ — нотекислик, номувофиқлик.

Менинг ёримда онидурки, андин ўртанур жоним —
Ки, они ҳар қуёш юзлук шакарғуфторлиғ[1] билмас.

Навоий кўзларининг мардумидин жаври қон тўкти,
Дариғ ул шўхи мардумкушки[2], мардумдорлиғ[3] билмас.

## ҲАНУЗ

Халқ билур ошиқлиғимни, ёр билмайдур ҳануз,
Ишқ ўти, ё Раб, анга ҳеч кор қилмайдур ҳануз.

Қайға борсам ахтариб ёримни топғайман дебон,
Бул менинг шум толеъимға ёр келмайдур ҳануз.

Ҳар киши кўрса мени, раҳми келиб найлар мудом,
Йиғлаб айтсам, бевафонинг раҳми келмайдур ҳануз.

Эй Навоий, айб эмас кўйида ўлсам ёрнинг,
Кўйида ўлсанг, анинг парвойи келмайдур ҳануз[4].

## ИСТАРАМ

Сарви озодимни боғ ичра хиромон истарам,
Сабзасин сарсабзу ғулбаргини хандон истарам.

Дард жононимда, балким юз алам жонимдадур,
Йўқки, жононимға, бал жонимға дармон истарам.

Тийрадур вайроним онсиз, ваҳ, яна бир қатла ҳам
Ул қуёшни байт ул-эҳзонимда меҳмон истарам.

Нафъ этар бўлса ҳино янглиғ кафи пойингга[5] қон,
Чок этиб кўксум, ани бағримда пинҳон истарам.

---

[1] Шакаргуфторлиғ — ширинсўзлик.
[2] Мардумкуш — қотил.
[3] Мардумдорлиғ — одамғарчилик.
[4] Бу ғазал шоир девонларида йўқ — уни «Ўзбек халқ музикаси»нинг 1-жилдидан олдик (Қаранг: Ўзбек халқ музикаси. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1955. 127-бет).
[5] Пой — оёқ.

Эй Хизр, ҳайвон суйи тут дам-бадамким, ёр учун
Садқа қилмоқлиқ учун ҳар лаҳза бир жон истарам.

Муждае бергил мизожи сиҳҳатидин, эй табиб —
Ким, бу пайғоминг учун жонимни қурбон истарам.

Ўқ киби қаддин кўруб, афтода чун кўр ўлмадинг,
Эй Навоий, кўзларингда нўги[1] пайкон истарам.

## ЛАЪЛИНГ

Лаълинг, аё, не ажаб рангиндур,
Сўзи анинг не бало шириндур.

Хам қошинг тақвову тоатқа бало,
Ҳам кўзунг офати ақлу диндур.

Ҳулла ичра баданингким кўрунур,
Гўё гулбарг аро насриндур.

Қатлу тиргузмак эрур ойининг,
Оллоҳ-Оллоҳ, санга не ойиндур?!

Соқиё, ҳажрида тутқил манга май —
Ким, бу судин ўтума таскиндур.

Маю васл аҳлики бу давр ичра,
Бизга хуноби жигар таъйиндур.

Ҳажринг айёми Навоий тинмас,
Бир кўрунуб анга кўнглин тиндур.

## САРВИ ҲУРИЗОД

Тушда еткандекдурурмен сарви ҳуризодима,
Кўр, ёмон толеъки, ул ҳам яхши келмас ёдима.

Соғинурменким, топилмас бир кўнгул оламда шод,
Шодлиғ ҳаргиз чу етмас хотири ношодима[2].

---

[1] Н ў г — уч.
[2] Н о ш о д — шод эмас, хафа.

Йўқки, заъфимдин унум чиқмасда раҳм этмас ул ой,
Кўкка ҳам етканда нолам, етмади фарёдима.

Айтсам, хуштур кўнгул боғи гиёҳи меҳр ила,
Дерки, бу жавҳарни Тенгри бермамиш пўлодима.

Дод[1] султондин топарлар, ваҳки, ул султони ҳусн
Азм этар ҳар лаҳза тиғи кин чекиб бедодима.

Одат айлар ёр ҳижрон шевасин, эй дўстлар,
Войким, неткаймен онсиз хотири муътодима.

Мен чу бўлдум дайр пирининг муриди, не осиғ,
Эмди шайхи хонақаҳ қўймоқ кўнгул иршодима.

Бир хароб ўлғайки, ҳаргиз топмағай ободлиқ,
Кимки қилса бир гузар кунжи харобободима.

Эй Навоий, телба кўнглум дарду ғам тоғин қозар,
Кўрсанг, аҳволим дегил мажнунсифат Фарҳодима.

## МЕНИНГ БАХТИМ

Менинг бахтим юзи ғам кожидин[2] ул кун қаро бўлди —
Ки, кўнглум ул кўзи-қоши қароға мубтало бўлди.

Қутулмиш эрди ошиғлиқ балосидин кўнгул, кетмиш
Ул ой кўйига ёна, билмон, анга не бало бўлди.

Қошу кирпикларинг кўнглум уйин қилди камонхона,
Алифлардин ўқу ҳар наъл анга бир ҳалқа ё бўлди.

Бузулған хаста кўнглумдин ўқин зинҳор чекмангким,
Ул уйга бу сутун, ул нотавонға бу асо бўлди.

Лабингға қайси тил бирла фидо дей хаста жонимни,
Анга жоним фидоким, жони лаълингға фидо бўлди.

---

[1] Д о д — бу ерда: адолат.
[2] К о ж — бу ерда: изтироб, азоб.

Ажаб муҳлик эмасму ишқ дашти, эй мусулмонлар —
Ки, бир мўриға[1] ҳар кун туъма икки аждаҳо бўлди.

Фано истар эсанг, тут дайр пири илгидин жоме,
Нединким хонақаҳ шайхи иши зарқу[2] риё бўлди.

Вужудум фоний айлаб, олди дин бир муғбача, тонг йўқ,
Агар зуннор боғлаб, масканим дайри фано бўлди.

Навоий, ғуссадин махлас тиларсен, масту бехуд бўл —
Ки, даврон дарду ранжиға даво бу бўлди, то бўлди.

## ДИЛОРОМИМ КЕРАК

Гулшан ичра йўқтур оромим — дилоромим керак,
Сарву гулни найлайин, сарви гуландомим керак.

Гар парилар қуш киби рам қилсалар мен телбадин,
Ғам йўқ, ул шўхи парипайкар менинг ромим керак.

Офият кўйида маҳвашларға йўқтур нисбатим,
Ул муқаммиршева[3] шўхи бодаошомим керак.

Каъбада ноком ила дин аҳлида йўқ жуз нифоқ,
Дайр ичинда кофири бебок худкомим керак.

Гул била сунбул керакмастур манга, эй боғбон,
Зулфи сунбул атрлиқ рухсори гулфомим керак.

Эй харобот аҳли, расво кўнглум итмиш бу тараф,
Келмишам топиб сўроғ — ул ринди бадномим керак.

Эй Навоий, хонақаҳда топмадим жуз тафриқа[4],
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.

---

[1] М ў р — чумоли.
[2] З а р қ — макр, ҳийла, фириб.
[3] М у қ а м м и р ш е в а — қиморбознамо, қиморбозларча.
[4] Т а ф р и қ а — бўлиш, айириш, ўртага низо солиш.

## АЗАЛ НАҚҚОШИ

Азал наққоши[1] тарҳ айларда гул барги намудорин,
Магар паргор қилди булбули саргашта минқорин.

Қазо машшотаси парвоналар жисми кули бирла
Ҳамоноким, ёрутди шамънинг миръоти[2] рухсорин.

Дегин, Мажнун қора жонининг узган риштасидиндур —
Ки, сунъ илги мутарро қилди Лайло зулфи зуннорин.

Магар Фарҳод жонидин сизиб қонидин этти ранг
Қадар[3] сувратгари Ширин лаби лаъли шакарборин.

Тарозу барги гул, ип риштаи жон, тош лаъл этти
Чекарда хозини ҳикмат лабинг ёқути миқдорин.

Қароғларим эмастур, балки топқач кўзга қоқмишмен,
Итардин ваҳм этиб, рахшинг ситомин[4], балки мисморин.

Аёғинг кирпигимдин оғриған бўлса, ёриб кўксум
Исиқ қонимға қўйким, ул ҳино-ўқ, чексун озорин.

Харобот аҳли уру доғ, дерким, куйдурунг, соқий,
Даво йўқ сирмабон қочмоқдин ўзга шайх дасторин.

Магар бўлди қуюн туфроғ ила ел, май, су бирла ўт,
Ясарда масти саргардон Навоий хилқати[5] зорин.

## ЭЙ ОРАЗИ НАСРИН

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутуларму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай ики сайёд[6].

---

[1] А з а л  н а қ қ о ш и — Худо.
[2] М и р ъ о т — кўзгу, ойина.
[3] Қ а д а р — ҳамма нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келиши.
[4] С и т о м — отнинг эгар-жабдуқлари.
[5] Х и л қ а т — яратилиш, пайдо бўлиш.
[6] С а й ё д — овчи.

Ул мактаб ароким, ўқудунг ноз румузин,
Гўёки, вафо илмин унутмиш эди устод.

Ашкимни кўруб, тез бўлур кўнгли жафоға,
Оре, итимас чунки суйи бўлмаса фўлод.

Мингдин бир эмас ўз юраги захмларидин,
Ҳар нечаки, тоғ бағрини захм айлади Фарҳод.

Ўлукни киши дафн эта олмас вале ҳар кун
Юз тиғ қилур дафн кўзунг бўлғали жаллод.

Гул яфроғи тирноғлар эрур бу чаман ичра,
Булбул пару болини юлуб бергали барбод.

Не айб, Навоий киби девоналиғ этса,
Ҳар одамиким, бўлса анинг ёри паризод.

## МАЖНУН ҚИЛДИЛО

Ул жигар парголаси ашкимни гулгун қилдило,
Шод этай деб нотавон кўнглумни маҳзун қилдило.

Ваъда айлаб жилвасин боғ ичра андоқким пари,
Дашт уза оввора қилмоғлиққа Мажнун қилдило.

Деди, васлим бирла кўптин-кўп ғамингни кам қилай,
Они кундин-кунга ўксукмактин афзун қилдило.

Қутқарай деб чарх жавридин мени саргаштани,
Анжуми пайкон била жисмимни гардун қилдило.

Зулфиға ваҳший кўнгул сайдин гирифтор эткали,
Йўқ оғиздин бор эканча ҳадде афсун қилдило.

Муфлис эрдим, май қилиб синғон сафолим жоми Жам,
Хотирим вайронасин худ ганжи Қорун[1] қилдило.

Ким Навоийдин салоҳ истар, эрур ғофил басе,
Хирқау сажжодасин ул майға марҳун қилдило.

## БИР МУҒБАЧАИ МАҲЛИҚО

Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,
майхораву бебок —
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.
Ҳам туррасининг[2] дуди вараъ белига зуннор,
мен — кофири ишқи,
Ҳам юзи мажус[3] ўти киби шуълафизодур[4]
мен ўртанибон пок.
Ул чеҳра фуруғи[5] тушубон зор танимға,
бир навъ куярким,
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур
ўт ичида хошок.
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,
ул журъаи майким,
Тегмиш анга майгун лаби, жонимға даводур,
не заҳру, не тарёк[6].
Бу навъки, ойлар майи васли ҳавасидин
махмур бўлубмен,
Мушкилки, ёзилгай бу хумореки, мангадур
согар бўлуб афлок.
Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг,
бухл[7] айлама, жоно —

---

[1] Қ о р у н — Мусо алайҳиссалом даврида яшаган, ҳад-ҳисобсиз бойлигини хайрли ишларга сарфламай, хасисликда ном чиқарган шахс. У Шарқ адабиётида ҳарислик ва хасислик тимсоли ҳисобланади.

[2] Т у р р а — кокил, зулф, соч ўримлари.

[3] М а ж у с — оташпараст, зардуштий.

[4] Ш у ъ л а ф и з о — шуълаланувчи, шуъла сочувчи.

[5] Ф у р у ғ — ёруғлик, равшанлик, нур.

[6] Т а р ё к — заҳарни дафъ қиладиган дори.

[7] Б у х л — бахиллик, хасислик.

Ким, барча мазоҳибдаки[1] ишқ аҳли ародур,
мазмум[2] эрур имсок[3].
Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас
бечора Навоий,
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур
ул булбули ғамнок.

## СУВОРА

Шарбати юҳйил изом[4] эрни майи нобиндадур,
Сураи «вашшамс»[5] тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи мозоғ ул-басар[6] наргислари хобиндадур,
Лайлат ул-меърожнинг[7] шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн[8] иттиҳоди[9] қоши меҳробиндадур.

Ул қади тўбидин ортуқ, юзи ризвондин жамил[10] —
Ким, берур жон лаъли ҳар ким бўлса кўзидин қатил[11],
Лаъли рашкидин фиғон айлаб, қилиб ашкин сабил,
Кўп югурди равзада айнан тусаммо[12] салсабил,
Топмади ул чошниким[13], шаккари нобиндадур.

---

[1] М а з о ҳ и б — мазҳаблар, тариқатлар.
[2] М а з м у м — айбланган, нафратланган; маломат.
[3] И м с о к — бахиллик.
[4] Ю ҳ й и л - и з о м — суякларни тирилтириш.
[5] В а ш ш а м с — Қуёшга қасам: Қуръони каримнинг 91-сураси.
[6] М о з о ғ  у л - б а с а р — «(Унинг) кўзи адашгани ҳам йўқ» маъносидаги оятга ишора.
[7] Л а й л а т  у л - м е ъ р о ж — Муҳаммад алайҳиссалом Меърожга чиққан кеча.
[8] Қ о б а  қ а в с а й н — икки ёй оралиғи. Меърож кечаси қурб манзилида Аллоҳ таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом ёки йўлда Пайғамбар ва Жаброил фаришта ораларидаги масофани билдиради. Икки қошнинг ёки кўз оқу қорасининг бир-бирига яқинлигига ҳам ишора қилинади.
[9] И т т и ҳ о д — бирлашиш, бирлик.
[10] Ж а м и л — чиройли, гўзал.
[11] Қ а т и л — ўлдирилган, сўйилган.
[12] Т у с а м м о — аталади.
[13] Ч о ш н и — таъм, маза.

Жон берур эрди Хизр суйи халойиққа сариҳ[1],
Исо ўлук тиргузур эрди деб алфози[2] фасиҳ[3],
Лаълидин токим такаллум қилди ул шўхи малиҳ[4],
Хизрнинг айни[5] ёшунмуш, кўкдин инмас ҳам Масиҳ,
Нетсун ул, мўъжиз бу дам ёқути[6] серобиндадур.

Хаттидин бўлди хижил сунбул била мушки татор[7],
Қоматиға сарв ила шамшоддин[8] юз қатла ор,
Фаррух[9] эрмас орази наврўзидек ийду баҳор,
Зулфиға қадру[10] барот[11] ўхшар вале юз фарқи бор,
Сўз анинг ёниндағи хуршиду маҳтобиндадур[12].

Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб[13],
Билмай асли ниятин қилмоқ ғалатдур шакку райб[14],
Эй Навоий, чун санга маълум эмастур сирри ғайб,
Лутфини майхонада ошуфта кўрсанг, қилма айб —
Ким, бу мажнун ихтиёри зулфи қуллобиндадур[15].

---

[1] С а р и ҳ — ошкора, аниқ, ойдин.

[2] А л ф о з — сўзлар, иборалар, жумлалар.

[3] Ф а с и ҳ — чиройли ва равшан гапирувчи, сўз устаси.

[4] М а л и ҳ — гўзал, малоҳатли.

[5] А й н — булоқ, чашма. Бу ерда Хизр алайҳиссалом зулмат қаъридан топган оби ҳаёт чашмаси кўзда тутилмоқда.

[6] Ё қ у т — турли тусда бўладиган қимматбаҳо тош. Мумтоз шеъриятда асосан қизил рангли май, маҳбубанинг чўғдай лаби ва қонли кўз ёши тимсоли бўлиб келади.

[7] М у ш к и т о т о р — тоза ва хушбўй мушк.

[8] Ш а м ш о д — кичик ва хушбўй гулли, ҳамиша кўм-кўк яшнаб турадиган хушқомат ва чиройли дарахт.

[9] Ф а р р у х — муборак, бахтиёр.

[10] Қ а д р — рамазон ойининг 26-сидан 27-сига ўтар кечаси. Қуръони карим шу кечада нозил қилинган. Бу кечада қилинадиган дуо-илтижо ижобат бўлар эмиш.

[11] Б а р о т — шаъбон ойининг ўртасидаги кун: бу кун ислом динида байрам ҳисобланади.

[12] М а ҳ т о б — порлаб турган ой, тўлин ой.

[13] Ж а й б — ёқа.

[14] Р а й б — шак, шубҳа.

[15] Қ у л л о б — чангак, илгак, қармоқ.

## СОҚИЙНОМАИ МЎҒУЛЧАИ ДУГОҲ[1]

Кетур, соқиё, муждае жомдин —
Ки, пажмурда[2] бўлмишмен анжомдин.

Бу гулшан гулига чу йўқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин?[3]

Чу йўқ шоми ҳижрон хумориға субҳ,
Ичиб англамай субҳни шомдин.

Халос айлай ўзни маю нуқлнинг[4]
Сую донаси бирла бу домдин.

Бўлай дайр пириға андоқ мурид[5]
Ки, ёд этмайин шайх ул-исломдин.

Кирай дайр аро уйла мажнуну маст —
Ки, кетсун хирад хос ила омдин[6].

Солай бир алоло[7] харобот аро —
Ки, чиқсун фиғон аҳли айёмдин.

Харօботий[8] ўлмоғлиғим, зоҳидо,
Суол этма мен зори бадномдин.

---

[1] Бу қўшиқ «Таронаи сарахбор — III» куйи билан ҳам ижро этилади. Бу ва кейинги икки қўшиқ шоирнинг машҳур «Харобот аро кирдим ошуфтаҳол, Май истарға илгимда синған сафол» байти такрорланиб келадиган таржеъбандидан олинган.

[2] П а ж м у р д а — эзилган, нотавон.

[3] Г у л ф о м — гулранг, қизил рангли.

[4] Н у қ л — газак.

[5] М у р и д — толиб, талабгор, бирор шайх ёки пирга қўл бериб, унга эргашувчи. Тасаввуфда моддий боғлиқликлар ва ўз хоҳиш-иродасидан воз кечиб, Ҳаққа интилаётган киши.

[6] Х о с у о м — барча, ҳамма; юқори табақадагилар ва оддий одамлар.

[7] А л о л о — шовқин-сурон, ғавғо, қий-чув.

[8] Х а р о б о т и й — ринд, қаландар.

Гарав қилғали майға чун қолмади
Не тасбеҳу не хирқа, нокомдин[1].

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға илгимда синған сафол[2].

## ХАРОБОТ АРО[3]

Яна бўлмишам ошиқу зор ҳам,
Хароботию ринду хаммор[4] ҳам.

Мубоҳот[5] этиб дурдкашлик[6] била,
Қилиб тақвову зуҳддин ор ҳам.

Суроҳийни бут айлабон оғзида,
Қилидин эшиб белга зуннор ҳам.

Бўлуб майға сажжодаву[7] хирқа раҳн,
Бориб нуқл учун кашфу дастор[8] ҳам.

Фано дайри ичра қаландар[9] сифат —
Кезиб, балки девонакирдор[10] ҳам.

---

[1] Н о к о м — мақсадига етмаган, бечора, маҳрум.

[2] С и н г а н с а ф о л — тасаввуф тимсолларидан бўлиб, синиқ, дардли кўнгилни билдиради. Кўнгли бутунлик — илоҳий жазба ва ишқдан бехабарликни, кўнгли синиқлик — илоҳий ишқ шавқига ошноликни англатади.

[3] Бу қўшиқ «Таронаи насри сарахбор — III» куйи билан ҳам ижро этилади.

[4] Х а м м о р — 1) майхўр; 2) майфуруш.

[5] М у б о ҳ о т — фахр, ифтихор.

[6] Д у р д к а ш — май қуйқасини ичувчи, ўта майхўр. Тасаввуф адабиётида якранг сўфийлар, маломатийлар тушунчасида ўтган, қўлдан кетган иш маъносида келади.

[7] С а ж ж о д а — жойнамоз.

[8] Д а с т о р — салла.

[9] Қ а л а н д а р — 1) илоҳий ишқ йўлида важд ҳолатига етган дарвеш; 2) вужуд ва қалбини поклаб, ўзини фано ҳолатига етказишга интилган солик; 3) қаландария тариқати аъзоси.

[10] Д е в о н а к и р д о р — девона табиатли.

Парichеҳра атфолнинг тошидин
Бўлуб сарбасар жисмим афгор ҳам.

Мени ишқдин ўртаган муғбача —
Ки, девонавашдур, паривор[1] ҳам.

Чу билдимки, бу навъ бирла эрур
Харобот кўйида майхор ҳам.

Эрур чунки якранглик[2] шарти ишқ,
Бу тақриб[3] бирла мени зор ҳам.

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синған сафол.

## СОҚИЙНОМАИ МЎҒУЛЧАИ НАВО

Мени май бас[4] ошуфтаҳол айлади,
Бу водийда Мажнунмисол айлади.

Бошимни куп[5] атрофида майфуруш
Узум жисмидек поймол айлади.

Чоғир[6] касрати май батидек манга
Хирад булбулин гунгу лой айлади.

Сабукашлигим[7] айни идборин[8]
Қадимни юк остида дол айлади.

Майи лаъл олтун қадаҳ шаклидек
Юзум сариғ, ашкимни ол айлади.

---

[1] П а р и в о р — парига ўхшаган, гўзал.
[2] Я к р а н г л и к — бир туслилик, доимийлик.
[3] Т а қ р и б — яқинлик, тахмин.
[4] Б а с — бу ерда: кўп, ортиқ, зиёда.
[5] К у п ( К у б ) — хум, май қуйиладиган катта сопол идиш.
[6] Ч о ғ и р — май, шароб, маст қилувчи ичимлик.
[7] С а б у к а ш — май кўзасини ташувчи, май қуйувчи.
[8] И д б о р — бахтсизлик, тушкунлик, ишнинг орқага кетиши.

Қадимдин фалак офият хирқасин —
Чекиб, раҳни жоми зулол айлади.

Сипеҳр атласи дайр кўйи аро
Менинг кисватим[1] эски шол айлади.

Май истарда идбору ошуфталиғ
Манга жом синған сафол айлади.

Харобот пири чу бир жом учун
Мени мундоқ ошуфтаҳол айлади.

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарға илгимда синған сафол.

## СОҚИЙНОМАИ САВТИ НАВО — II

Ой юзунғ боғи баҳори олам,
Арақ[2] ул юзда гул узра шабнам.

Гулдек ул чеҳраға қул боғда кўп,
Қошларинғдек янги ой чархда кам.

Ул оғиз келди чу маъдум[3], не ком,
Жонға андин агар ўлмаса адам.

Зуҳду тақво элидин кўп етти
Ҳар дам ул телбага бедоду ситам.

Ул ҳарамдин деди, мен буткададин[4],
Бир-бирига сўз уланди маҳкам.

---

[1] К и с в а т — кийим, либос.
[2] А р а қ — тер.
[3] М а ъ д у м — йўқ, йўқ бўлган.
[4] Б у т к а д а — бутхона, бутпарастлар ибодатхонаси.

Чун чиқишмай орада суҳбатимиз,
Ул ҳарамға қадам урди, мен ҳам.

Етар ул юзга фуруғ оҳимдин,
Ўтни андоққи, ёруқ айлар дам.

Чунки бу дайри фано ичра кўнгул
Олами ишқинг аро бўлди алам[1].

Туно кун чиқмиш эдим майкададин —
Ки, йўлуқти манга бир шайхи дажам[2].

Мустамеъ[3] паст эди-ю, нукта бийик,
Тунд ўлуб, урди ҳарам сари қадам.

Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст!

## ЮСУФ ТАРОНАСИ[4]

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлйдин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг.

Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор,
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

## ТАРОНАИ НАСРИ САРАХБОР — II

Қани соқийи гулъузорим менинг —
Ки, жон қасди этмиш хуморим менинг.
Фироқ ичра кўп меҳнату дарду ранж
Чекибдур тани хокисорим менинг.

---

[1] А л а м — бу ерда: нишон, белги.
[2] Д а ж а м — бақувват, чаққон.
[3] М у с т а м е ъ — тингловчи, эшитувчи.
[4] Бу қўшиқ «Таронаи талқини ушшоқ» куйи билан ҳам ижро этилади.

## ТАРОНАИ ТАЛҚИНИ БАЁТ

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу[1] меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

## ЖОНОНА КЕРАК[2]

Зоҳид, сенга ҳуру  манға жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

---

[1] Ш а ф и қ — шафқатли, марҳаматли.
[2] Бу рубоийни Рустам Ғойипов ижро этган.

# МУНДАРИЖА


Эргаш Очилов. Сараланган сатрлар ........ 3
Қўшиқлар ........ 8
Ушшоқ ........ 8
Муножот ........ 9
Мақоми Бузрук ........ 10
Шўх икки ғизолингни ........ 11
Қадаҳ ........ 12
Сабо ........ 14
Наврўзи хоро ........ 15
Уфори мақоми Рост ........ 16
Муғулчаи Сегоҳ ........ 17
Талқини мақоми Сегоҳ ........ 18
Мубтало бўлдум санга ........ 19
Аввалғиларға ўхшамас ........ 19
Қоши ёсинму дейин? ........ 20
Орази мақоми Наво ........ 21
Кўрмадим ........ 22
Бўлмаса-бўлмасун, нетай ........ 22
Гулъузорим ........ 23
Ҳусни ортар ........ 24
Таронаи сайри гулшан -- III ........ 25
Ёрдин айру кўнгул ........ 26
Топмадим ........ 26
Муғулчаи Дугоҳ ........ 27
Ўн сакиз ёшиндадур ........ 28
Нақш ........ 29
Гул сочар ел ........ 30
Дилситоним сен менинг ........ 30
Навбаҳор айёми бўлмиш ........ 31
Ёр меҳри ........ 32
Жудо ........ 32
Соқийномаи муғулчаи Дугоҳ ........ 33
Қўшчинор ........ 34
Эй насими ........ 35
Ёр борди-ю ........ 36
Талқинчаи мустазоди Наво ........ 37
Ҳожиниёз — I ........ 38

Сувораи мақоми Наво........................................................................39
Ишқ..............................................................................................................39
Тонг насими................................................................................................40
Очилмади кўнглум.....................................................................................41
Келса жононим............................................................................................42
Таронаи насри Сарахбор — I...................................................................43
Сарахбор......................................................................................................43
Ўлмасун........................................................................................................44
Дугоҳи Ҳусайн — IV..................................................................................45
Насри Сарахбор..........................................................................................46
Насри Узол...................................................................................................46
Жонда жонпарвар сўзидурму...................................................................47
Чапандози Наво..........................................................................................48
Сарпарда......................................................................................................49
Фидо.............................................................................................................50
Жононимға айт............................................................................................50
Абдураҳмонбеги — III...............................................................................51
Тараҳҳум қилмадинг..................................................................................52
Не лўливашдур............................................................................................53
Чорзарб........................................................................................................54
Талқини Узол...............................................................................................55
Уфори Баёт...................................................................................................56
Наврўзи сабо................................................................................................56
Муҳаббат дашти..........................................................................................57
Ўртама..........................................................................................................58
Кошки...........................................................................................................59
Ишқ аро........................................................................................................60
Баёт — III.....................................................................................................60
Ўйнар............................................................................................................61
Не ажаб.........................................................................................................62
Талқини Баёт................................................................................................62
Менга номеҳрибон ёр.................................................................................63
Ҳусайний......................................................................................................64
Махсус..........................................................................................................65
Ироқ.............................................................................................................66
Таронаи насри Баёт.....................................................................................66
Наззора қил..................................................................................................67
Навбаҳор.......................................................................................................68
Уфори савти наво.........................................................................................69
Талқини мақоми Наво.................................................................................69
Фарёд............................................................................................................70
Қилдилар.......................................................................................................71
Насруллойи...................................................................................................72
Али Қамбар...................................................................................................73
Ошиқ.............................................................................................................74
Жоним менинг..............................................................................................74
Гулзормакон..................................................................................................75
Мувофиқ кийдилар.......................................................................................75
Нигорим келгай............................................................................................76

Истангиз.....77
Жафо қилмиш.....77
Чоргоҳ — III.....78
Насри Чоргоҳ.....79
Ўзгача.....80
Наврўзи Ажам.....81
Нимчўпони.....82
Эй сарви гулъузор.....82
Истадим.....83
Ғайринггға парво айласа.....84
Кўчабоғи — II.....85
Тараҳҳум айлагай.....85
Ҳажринг кунин.....86
Таронаи насри Сарахбор — IV.....87
Таронаи мухайяри Ироқ — I.....88
Кўйида.....88
Таронаи талқини сеғоҳ.....89
Айлангиз.....90
Ўртади.....90
Эй пари.....91
Савти Сувора — VIII (IX).....92
Яхшироқ.....92
Фиғонким.....93
Ҳануз.....94
Истарам.....94
Лаълинг.....95
Сарви ҳуризод.....95
Менинг бахтим.....96
Дилоромим керак.....97
Азал наққоши.....98
Эй орази насрин.....98
Мажнун қилдило.....99
Бир муғбачаи маҳлиқо.....100
Сувора.....101
Соқийномаи муғулчаи Дугоҳ.....103
Харобот аро.....104
Соқийномаи муғулчаи Наво.....105
Соқийномаи савти Наво — II.....106
Юсуф таронаси.....107
Таронаи насри Сарахбор — II.....107
Таронаи талқини Баёт.....108
Жонона керак.....108

*Адабий-бадиий нашр*

Жаҳон адабиёти дурдоналари

АЛИШЕР НАВОИЙ

**ИШҚ ТИЛСИМИ**

Муҳаррир *Анвар Шер*
Рассом *А. Саидбердиев*
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *Г. Азизова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси AI №158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 23.08.11. Бичими 84×108$^{1}/_{32}$. «Times» гарнитурасида офсет усулда босилди. Шартли босма табоғи 5,88. Нашр табоғи 5,12. Адади 3000 нусха. Буюртма №11-243

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
*e-mail: iptduzbekistan@mail.ru*
*www.iptd-uzbekistan.uz*

КИТОБ ОЛАМИ

"Ишк тилсими"

9789943017535

Цена 4 350 сум

ISBN 978-9943-01-753-5

9 789943 017535

«O'ZBEKISTON»